



Ҳар бир шахарнинг ўз оҳанрабои бор.

Фарғона деганда ўзбек миллий ашулаларининг моҳир ижрочилари, аския ва зироат илмининг устаси бўлган мард ва танти одамлар, жаннатмонанд Водил боғлари, Шохимардон тоғларидай пурвиқор хирмонлар кўз олдимишга келади.

Бироқ шахарнинг қиёфаси ҳақида гап кетса, қушқўнмас чинорлардан ўзга бирор арзирли нарсани тилга олиб бўлмасди. Унинг ўзига хос меъморий шакл-шамойили ҳақида-ку сўз юритиш ортиқча эди. Бир аср бурун шаклланган ҳарбий истеҳкомнинг совуқ нафаси яқин-яқингача ҳам ўзини намёнён этиб қўяр, аҳоли турар жойларига туташиб кетган саноат корхоналари шахар ҳавосини бузиб, кўкракни тўлдириб нафас олгани кўймасди.



Ана шундай тасаввурда юрган одамнинг бугун Фарғонага йўли тушса, уни таний олмай қолиши аниқ. Аввало, кейинги икки ярим йилнинг ўзида шахарда янгидан барпо этилган замонавий корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, йўллар, хиёбонлар, кичик халқа йўл ва унинг атрофидаги меъморий жиҳатдан гўзал маданий-маиший хизмат шохобчалари, иккинчи қаватли турар жой ҳовлилари ва уларга уйғун қилиб қурилган кўп хонадонли янги уй-жойлар, меҳмонхона кафе-ресторанлар, фавворалар қўқча ўрлаётган хиёбонларни қўриб ҳар қандай одамнинг завқ-

мўъжазгина ишонага айлантирди.

Дарвозахонадаги ушбу гурунган бизнинг Фарғонанинг қайта қуришдан кейинги янги қиёфасини томоша қилаётганимизни эшитган Мавлудахон ҳаммамизни ўз тадбиркорлик фаолияти билан танишишга тақлиф этди. Миллий ширинлик тайёрлаш жараёни нечоғли қизиқарли бўлса, Мавлудахоннинг ўз лойиҳаси асосида қурилган қўш қаватли уйнинг меъморий ечимлари билан танишув ҳам шу қадар завқли саёҳат бўлди. Уйнинг ҳар қирчи саҳнидан нуғули фойдаланилгани фойта таҳсинга лойиқ. Биринчи қаватда ширинликлар тайёрланадиган ва сотиладиган бўлма-

“Энг улуғ, энг азиз” танловига

бўлибди, дейсиз.

Фарғонада болалар спорт мажмуалари, мусиқа ва санъат мактаблари қурилишига ҳам алоҳида аҳамият берилётгани гувоҳи бўлди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 14 спорт мажмуаси ва заллари, мусиқа ва спорт мактаблари қурилиб, реконструкция қилинмоқда экан. Санъат саройига туташ шўқўчада қуриб битказилган муҳташам сув спорт мажмуаси ҳар бир фарғоналикнинг фаҳрига фахр қўйиши тайин. Мажмуа раҳбари Шерзод Умарқулловнинг айтишича, мазкур усти ёпиқ сув ҳавзасида қишин-ёзин бир хил мўтадил ҳарорат сақланиб, сувнинг ҳарорати 28-30 даража атрофида бўлар экан. Олимпия захиралари спорт коллежи талабалари учун қурилган мажмуа шахар аҳолиси фарзандларига ҳам хизмат қўрсатади. Сув ҳавзаси, машғулот ва маш-тренажёр залларида болалар сузиш, синхрон сузиш ва сув полоси каби спорт турлари билан шуғуллана олади. Бир вақтнинг ўзида 120 спортчи ва сузиш ишқибозига хизмат қўрсатадиган мажмуада соатига 900 куб метр суви тоза-лаб берадиган муҳкамол хорижий ускуналар ўрнатилган. Барча заллар пол остида иситиладиган қурилмалар билан жиҳозланган. Фарзандлари соғлом ва баркамол бўлиб ўсишни, моҳир спортчи бўлиб етишсини истаган фарғоналиклар ҳозирнинг ўзиданок

ЙЎЛ РАВОН, МАНЗИЛ ОБОД

Йўлинг яхши ниятидан ёришади, дейишади.

Айниқса, эрта тонгда қилинган тилак, эзгу ният ижобат бўлиши аниқ. Пойтахтимизда Шайхонтоҳур ва Олмазор туманларидан ўтувчи янги йўл қурилиши бошланганини эшитгач, мақола ёзиш истагида йўлга чиққанимизда ишим йўлдан келишини чин дилдан ният қилгандим.

“Беруний” ва “Чигатой Дарвоза” кўчалари кесилишидан “Хушид” ва “Баҳор” кўчалари чорраҳасига янги айланма йўл қурилишида ҳақиқатан ҳам иш қизғин кетаётган экан. Автомагистрал тизимидаги кўприк қуриш участкасининг йўл қурилиши бўлими бошлиғи Шўхрат Қўчқоровга мақсадимни, тахририят топшириғи билан келганимни айтганимдан кейин, суҳбатдошим:

— Газетангиздаги Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Соҳибқирон Амир Темура бағишланган мақолаларни севиб ўқийман. Соҳибқирон бобомизнинг айнан бунёдкорлик ишларига

Ватан учун яшайлик!

бағишланган Буюк ипак йўли ҳақида айтганларини эсланг-а, “Ҳар бир шахарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қурилиши, мусофир йўловчилар учун йўл устига роботлар бино қилиши, дарёлар устига кўприқлар барпо этишни буюрдим.” Хабарингиз бўлса, Соҳибқироннинг буюк салтанати Дехлидан то Болқонгача чўзилган. Ана шундай минглаб қаҳиримга чўзилган йўлларни равон ва текис қилиш, ҳар бир шахарда кўркам бинолар барпо этиш ўша пайтлардаёқ аждодларимизга хос иш бўлган.

Юринг, мен сизга қурилажак йўлимизнинг лойиҳасини кўрсатаман, яхшироқ тасаввурга эга бўласиз.

Шўхрат ака шундай дея менга йўлнинг чизмасини, битган ва қурилатган ҳар бир бўлагада олиб борилаётган ишларни астойдил тушунтирди.

— Мана ушбу айланма йўл Берунийдан бошланади, Анҳор канали орқали Форобий, Сағбон, Қорасарой, Себзор, Шайхонтоҳур, Хушид кўчаларини кесиб чиқади. Энди мана бу чизмага қаранг, қурилиб бўлган, худди ана шундай кўринишга эга бўлади.

Шўхрат ака энди менга йўлнинг тўлиқ битган чизмасини кўрсатди. Унда йўлнинг тайёр бўлган ҳолати жудаям чиройли тасвирланган. Ўртасига оқ хошия чизилган, қора тасмадек йўлнинг атрофи ям-яшил майсазор билан қопланган. Автоуло-

вув, иккинчиси тузлгини инобатга оладиган бўлсак, биз айнан шу нарсаларга чидайдиган маҳсулотлардан фойдаланаямиз. Яна бир гап, аввалги йўлларнинг тағидан коммуникация, қуварлар ўтказиларди. Уларда бирор носозлик учраса, дарров йўлни қовлашга тушарди. Ва йўл яроқсиз ахволга келарди. Энди коммуникация ва қуварларни ўтказиш керак бўлса, йўлнинг ёни ва устидан ўтказилади, яъни симсиз ва электрни тежайдиган технологияларга асосланган замонавий ёритиш тизими билан таъминланади.

Дарҳақиқат, истиқлолимизнинг илк йиллариданок бошқа соҳалар каби бунёдкорлик, транспорт ва коммуникация қурилишини йўлга қўйиш каби масалалар устувор вазифаларга айланди. Ўртабозимизнинг “2011—2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш жаддалаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан шу йиллар мобайлида “Ўзбекистон миллий автомагистрალი”га кирувчи йўлларнинг 2306 километр, жумладан 1410 километрга яқин қисми қурилади ва реконструкция қилинади. 896 километр йўл эса 13 тонналик машиналар ҳам бемалол юра оладиган қилиниб қайтадан қурилади. Айни пайтда айланма йўл ҳам ана шундай оғир юкли транспортларга мослашган. Икки томонлама ҳаракатланадиган ушбу йўл ўртасини ва пийдадар ярадиган йўлакчани ажратиб турадиган тўсиқлар ҳам аввалгиларидан фарқли мустаҳкам қилиб ўрнатилган. Яъни бунда йўловчи ҳамда транспортнинг хавфсизлиги таъминланади.

Хар қандай мамлакатнинг обод ва фаровонлиги ҳақида кўркам шахару қишлоқларнинг кўринишига, аввало, унинг йўллари раволишига

М.НУРИНБОЕВ олган сурат.



ларнинг икки томонлама ҳаракатига мослаштирилган олти йўлакчали ушбу кенг ва равон йўл атрофида манзарали дарахтлар экилиши, бўш жойларнинг кўм-кўк майсазорга айлантирилиши нафақат хамюрларимиз учун қулайлик яратди, балки эстетик завқ ҳам бағишлайди.

— Битган жойларини бориб кўрсангиз худди мана шундай кўринишга эга, — деди Шўхрат ака. — Бир пайтлар такси тўхтаб, эски шахарга ҳайданг, десангиз ҳайдовчилар энсиз ва тор, кингир-қийшқ йўللардан юришини йўлаб рози бўлмасди. Ҳозир вазият мутлақ бошқача. Эски ва пасткам уйлар ўрнига йўл тушиб, ёнма замонавий уйлар қад кўтаради. Мана бу чироқларни кўрапсизми, хориждан келтирилган. Бу йўлнинг лойиҳасини ҳам Англияга бориб ўрганиб келганмиз. 5 километр узунликдаги бу янги йўл энди нафақат ўзининг қулайлиги, балки манзилни қисқартириши билан ҳам аҳамиятлидир.

— Транспорт ҳаракатланадиган эски услубдаги йўللardan ҳозир қурилатгани йўлларнинг афзаллиги нимада? — дейман суҳбатдошимга юзланганча.

— Аввалги қурилган йўллarda асфалт қалинлиги 50 сантиметрдан ошмасди. Бу қурилатган йўлда эса қалинлиги 70 сантиметрдан ошди. Демак, йўл қанча қалин бўлса, чўкиш ёки ёрилиб кетиш хавфи шунчалик кам бўлади. Йўлга ишлатилаётган хомашё таркибини ҳам ўрганиб чиқдик. Яъни йўлнинг биринчи душмани

қараб ҳулоса чиқарилади. Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юмларнинг 80 фоизи, йўловчи ташиш хизматининг 85 фоизи автомобилли транспорт хизматига тўғри келади. Шунинг ҳисобга оладиган бўлсак, ҳаётимизда йўлларнинг ҳар томонлама қулай ва соз бўлишининг аҳамияти каттадир.

Йилдан йилга, қўндан қўнга шахару қишлоқларимиз чирой очиб, йўлларимиз равонлашмоқда. Ахир йўл қанча соз бўлса, борар манзилимиз шунчалик яқин бўлади. Қолаверса, ҳаётимиз фаровонлашган сари ҳамюртларимизнинг деярли барчаси ўз шахсий автоуловига эга бўлмоқда. Бу эса юртимизда машиналарнинг қатновни қўндан қўнга қўйиш дегани.

Халқимизнинг қон-қонига, руҳиятига сингиб кетган, қадриятларида акс этган бир эзгу аъёна бор: йўл созламоқ, йўл қурмоқ, йўл яратмоқ. Зеро, йўлларимизни равон ва обод қилмоқ энг савобли ишлардандир. Чунки тарихимиз гувоҳи: биргина Буюк ипак йўли бутун жаҳонни фаровон қилган, элларни элларга, дилларни дилларга боғлаган.

Нафақат Тошкент шахрида, балки юртимизнинг қай гўшасига борманг, текис ва равон йўллар сизни ўз манзилингизга бехатар элтади. Ватанимизнинг қон томирлари ҳисобланмиш йўллар бизни нурило келахак, эзгу ишлар сари чорлайверади.

Барно СУЛТОНОВА

БУНЁДКОРЛИК ТУЙҒУСИ

Ўхшаш орзулар шахри

шавқи ошади. Ҳатто шахарнинг янгидан жудаям муҳташам қилиб қурилган халқаро аэропорти ҳам мана шу халқа йўлнинг ёнигасида экан. Пойтахтдан бизни учириб келган “Боинг-757”дан тушибок янги бинонинг меъморий ўзига хослигини қўриб, кўнглимиз самоларга парвоз этгандек бўлади.

Ахир, неча ўн йиллар мобайлида не-не тарихий шахарларнинг ҳам одмигина аэровокзалларига кўзимиз кўникиб қолганди. “Бизларга бўлаверди”, деган нафақат таскин берувчи, ҳатто таҳрирловчи туйғу қўнғилларга оғир тошдек чўкиб ётарди. Улуғ юртга ярашмайдиган чор-ночор қурилган бинолар олдида эътиборсиз ўтиб юрганимизни эсласак, истибод тушовлари одамларнинг онг-шуурини нечоғли ўраб-чирмаб ташлаганидан-ориятимиз, виждонимиз изтироб чека бошлайди. Оллоҳга шукри, қўнғилларга чўққан ана шу оғир тошни итқитиб ташлашга қодир, тушовланган руҳиятни уйғотувчи давру давронлар насиб этди, ана-Ватанимиз хуррият байроғини баянд қўтарди.

Фарғонадаги қайта қурилиб кенгайтирилган Аҳмад Фарғоний ва Алишер Навоий шўқўчалари, кичик халқа йўл ва Қувасой кўчалари атрофида бир-бирига меъморий жиҳатдан уйғун қилиб барпо этилган кўркам қирмаб ташлаганидан-ориятимиз, виждонимиз изтироб чека бошлайди. Оллоҳга шукри, қўнғилларга чўққан ана шу оғир тошни итқитиб ташлашга қодир, тушовланган руҳиятни уйғотувчи давру давронлар насиб этди, ана-Ватанимиз хуррият байроғини баянд қўтарди.

— Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида Фарғона шахрининг қайта қурила бошлагани аҳолининг ўз ҳаётига, турмуш тарзига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юборди, — дейди шоирамиз. — Мана бу қўшқаватли гўзал қаватга бир қаранг: илгари уларнинг ўрнида нариддан-бери қурилган чор-ночор якка қават уйлар бўларди. Ҳаммаси бузиб қайта қурилди. Энди одамларнинг ўзи уй-жойини замонага муносиб қилиб қуришмоқда. Ҳукумат ёрдами ва давлати билан ҳаммада бунёдкорлик туйғуси йўғонди.

Бутунлай қайта қурилган ана шу кўча таркибидеги “Гулистон” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Донохон Мамажонов суҳбатимизга кўр ташлаб шундай дейди:

— Қувасой кўчасининг эни 36 метрга кенгайди. Шунинг натижасида олтинчида ортиқ эски уйлар бузилган хонадонларга 8-март кўчасидан ер берилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. 34 хонадон эса қайта қуриш режасига киритилиб, янгидан тикланди.

Аввалги ўрнида қўш қаватли қилиб бутунлай янгидан тикланган шундай хонадонлардан бирига қирамиз. Уй бекаси Муҳаррамхон Ганиева бизни “Хуш келибсизлар”, дея оқиб чехра билан кутиб оларкан, янги уй-жойини кўришга тақлиф қилади.

— Илгари кичкина ҳовлидада тақияли яшардик. Мана, қаранг, бузилган уйимиз эвазига давлатдан пул олиб шундай баҳаво ҳовли қуриб олдик, — дейди онахон. — Аввалги уйимиз билан бунинг ер билан осмонча фарқи бор. Энди шу жойнинг ўзида ҳам яшаб, ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш учун имконимиз бор. Мана, қизимиз Мавлудахон дарров қўшни қизлардан олти тасини ёнига олиб, уларни миллий ширинликлар тайёрлашга ўргатди ва уйимизнинг биринчи қаватини

лар, иккинчи қаватда тадбиркорнинг мўъжаз офиси, қўшимча иш жойлари, ҳатто ширинлик тайёрловчи қизлар ортиқча юк кўтармаслиги учун лифт ўрнатиш ҳам кўзда тутилганини қўриб, беихтиёр, тадбиркорнинг зукколигига қойил қолдик. Мавлудахон вақтимиз зиклигига қарамай офисига қўйрада-қўймай дас-турхон ёзиб, шу жойда тайёрланаётган миллий ширинликлардан татиб қўришни илтимос қилди. Хорижнинг киви ва ўзимизнинг олча мураббомиз қўшиб пиширилган ширинликини татиб, қандолатчи қизлар маҳоратига тасанно дедик. Мавлудахон Фарғона шахридаги барча супермаркетларга шундай турфа ширинликлар етказиб берад экан.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрда қабул қилинган “Фарғона шахрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида вилоят марказида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик тадбирлари одамларнинг ҳаёт тарзини нечоғли ўзгартиргани, эскича ақдодларини бузиб юборгани, уларда яхши яшаш ва ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлиш туйғусини йўғотгани моҳиятини мушоада этадиган бўлсак, тараққиётнинг ўзбек модели нафақат халқимиз руҳиятини кўтаргани, айни чоғда, онг ва тафаккурини ҳам кескин юксалтирганига амин бўласиз.

Шу йўл билан янги Фарғонанинг бениҳоя улугворлик касб этган Санъат саройига оши-қамиз. Кейинги икки ярим йил ичида барпо этилган майдони қирқ гектарлик гўзал хиёбон марказида учигша шайланган оппоқ қабулардек бўлиб кўринган бу маҳаббатли бино шахарнинг ўзига хос меъморий тимсолларидан бирига айланишга муносибдир. Ҳамроҳларимнинг айтишича, мазкур хиёбон ўрнида илгари ёғ-мой комбинати бўлган экан. Шаҳар экологиясини булгаб ётган шу худуддан ўтганда одамлар оғиз-бурунларини тўсишиб, яқин атрофдаги маҳалалар аҳолиси эса ойна-ромларини бекитиб яшаркан. Фарғона шахрини қайта қуриш юзасидан ишлаб чиқилган истиқбол режалари асосида комбинат шахар ташқарисига қўчирилибди. Унинг ўрнини обод қилиш бўйича амалга оширилган бунёдкорлик ишлари салмоғи ҳар қандай кишининг ақлини шоширадди. Негаки, эски бино ва коммуникациялар қолдиги билан тўлиб-тошган худудга ўн минг тупдан ортиқ манзарали дарахтлар экиб, мусиқали фавворалар қуриб, жаннатмисол боғ-хиёбон яратиш учун шу ишга сафарбар этилган одамлар руҳиятида алломишларга хос мардона шижоат, ҳаётни ўзгартириш, маънавиятни юксалтиришдек улуг савоҳат жўш урмоғи келарди. Шундай бўлди ҳам. Тошкентдаги шахарсозлик қурилишларини лойиҳалаш институти меъморлари томонидан ишлаб чиқилган минг ўринли томоша залига эга санъат саройига қадам қўяр эканмиз, улкан кемага улуг уммонлар керак, деган ҳикмат бежиз айтилмагани кўнглимиздан ўтди. Қадимда, соҳибқирон Амир Темура ва темирйўл ҳукмдорлар даврида қад ростлаган мадрасау миноралар, маҳаббатли саройлару жомеъ масжидлари мамлакат қудратини намёнён этган бўлса, юртимиз истибоддан озод бўлиб, ўз эркини қўлга киритган мустақиллик замонаида турли йўналишдаги автомобилсозлик корхоналари, қадим шахарларни боғлаган янги темир йўл ва кўприқлар, улкан қонлар, газ-кимё ва тўқимачилик корхоналари, замонавий лойиҳадаги янги қишлоқларгина эмас, меъморий жиҳатдан Марказий

бу ерга келишиб, мажмуа билан танишиб, рўйхатларга ёзилишмоқда. Янги сув спорт саройи очиладиган кунни сабрсизлик билан кутишмоқда. Муаттархон Исоева, Нигорахон Тешабоева, Нафиса Алиева каби оналарнинг мажмуа раҳбари билан савол-жавобларини эшитиб, нигоҳларидеги шодлик ва бахтиёрликнинг гувоҳи бўларканмиз, истиқлол фарзандларининг баркамоллиги йўлида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган буюк ғамхўрлик ана шу оналар учун тоғдек таянч бўлаётгани, уларнинг қалбига ўз ҳаётдан мамнулик ва шукроналик бахш этаётганини теран ҳис этдик.

Саратон офтоби уфққа бош қўйган маҳал Фарғона узра гўзал оқшом чўка бошлади. “Тоғ маҳал” меҳмонхонасидан чиқиб, янгидан қайта қурилган Ал-Фарғоний шўқўчаси бўйлаб сайрга отланамиз. Она юрт манзараларига бетакрор тимсол излаган ширинмиз.

Яна ела бошлар оқшом нафаси, Шеръ они, ишқ они, меҳнат они бу. Бу қўёш ўлкасини оташин саси, Ўзбек диёрининг саратонини бу, —

деб ёзганидек, боғ узра хушчақдек кезиб юрган ёш-яланглarning шўх-шодон кайфияти, арғимчоқ учаётган болакайларнинг қувноқ кулгилари, фарзандларини музқаймоқ билан сийлаб, мўъжаз қайиқчаларда сайр қилдираётган навиҳоник ота-оналарнинг бахтиёр чехраларига қўқиб, тинчлик ва осойишталик қадрини, ўз юртига эгаликнинг мўъжизакор қудратини бутун қалбим билан ҳис эта бошлайсан.

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги боғга туташ қилиб қурилган Мустақиллик хиёбонидан охишта қадам ташлаб борарканмиз, икки ёнида фавворалар отилаётган, миллий услубдаги мўъжаз хордиқхоналар чорлаётган, анвойи чироқлар маржони кўзни қамаштираётган бу маскани неғадир улкан шахарларнинг тунги тайёрагоҳларига менгизганимиз келди. Ҳақиқатдан ҳам салкам бир ярим қаҳирим масофага чўзилган хиёбоннинг икки ёнидаги маржон чироқлар уни самолётларнинг парвоз майдонларига ўхшатиб юборганди. Ҳа, Фарғонадаги Мустақиллик хиёбонини ўзига хос парвоз майдонига менгизганимиз асло муболага эмас. Буни ҳис этмоқ учун оқшом салқинида ана шу хиёбон узра кезиб юрган ёш йигит-қизларнинг муссаффо кўнглиларига, истиқлол фарзандлари қалбларида мавж ураётган орзуларга қўлоқ тутмоқ керак.

Кўнглидан кечаётган бу йўлларни ўзи ҳам неча бор юрагидан ўтказган марғилонлик нозиктаб шоир Исмоил Маҳмуд Мустақиллик хиёбони сайрида тутилган ҳайрату ҳаяжонларини беихтиёр шеърга сола бошлади:

Чаманзор ичра Фарғона, қўнғил парвоз этар бўлди, Ифрлар тўлди ҳар ёна, қўнғил парвоз этар бўлди.

Очқиди ранг-баранг гуллар, наво ичра еру осмон, Ки файзга тўлди дурдона, қўнғил парвоз этар бўлди.

Шарафланда азиз инсон ниҳол янгли бу боғ ичра, Бу кун Боғбон парвоза, қўнғил парвоз этар бўлди.

Улуғлик пояси ичра ўтар ҳар лаҳза, ҳар оним, Шу даврон ичра осмона қўнғил парвоз этар бўлди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Тошкент — Фарғона — Тошкент.

маъкул. Яъни ҳар бир фуқарога ёниб турган газ асбобларини қаровсиз қолдирмаслиги, қўлбола ўчоқ ва газ печи атрофида қийимларини ёймаслиги, очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёт чораларини кўриш, белгиланган жойлардагина чекмш мумкинлигини эслатиб ўтамиз. Ушбу қондаларга доимо риоя қилиб борилса, яқинларимизнинг ҳаётини, йиллаб тўпланган мол-мулкни, уй-жойни асраб қолган бўламиз. Зеро, ҳушёрлик, огоҳлик бутунги кунимизнинг энг зарур талабларидан биридир.

Д.БОЙТУРГАНОВ, Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани ёнги хавфсизлиги бўлимининг катта инспектори, К.БОЙНАЗАРОВ, кичик сержант

ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН

Ёзги таътил бошланиши билан болалар баъзида ота-оналар назоратидан четда қоладилар. Уларнинг гуғурт билан ўйнашлари оқибатида баъзан ёнги чикши ҳолатлари кузатилади. Аслида ёнги билан боғлиқ аянчли ҳодисалар катталарнинг бепарволиги, лоқайдлиги туйғайли содир бўлади. Агар ҳар бир ота-она фарзандига ёнгининг оқибатлари ҳақида тушунтириб борса, бу хавфнинг олди олинади. Бундан ташқари, ёз фаслида дам олиш ҳудудларида қўлбола ўчоқда очик жойларда овқат пишириш оқибатида ҳам ёнгин содир бўлмоқда.

Шу муносабат билан ёнгин хавфсизлиги ходим-

лари томонидан жойларда турли тадбирлар ўтказилиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Албатта, олов билан курашиш фақатгина шу соҳа ходимларининг иши эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. “Ўз уйингни ўзинг асра” шiori ҳар бир фуқаро, ҳар бир корхона ва муассасага тегишли. Зеро, ёнгин оқибатида халқ ҳўжалигига, турар жой ва хусусий мол-мулкка катта моддий зарар ва талафот етди. Айниқса, ёнгин инсон соломатлигига зиён етказиши, ҳатто бир умрга ногирон қилиб қўйиши мумкинлиги ҳам тажрибаларимиздан маълум. Шу боис ёнгининг олдини олган

Огоҳлик

Ҳамид ОЛИМЖОН

ВАТАНИМ ДЕБ СЕНИ, УЙҒОНДИМ



ЎЛКА

Мен дунёга келган кунданок,
Ватаним деб сени, уйғондим.
Одам бахти биргина сенда
Бўлурига мукамал қондим.

Қулоғимга номинг кирганда,
Қумлик каби ташна боқурман.
Сенинг жаннат водийларингдан
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

Билсинларким, йўлдошим бўлмас
Қўзда ёши билан қулганлар.
Тиллари бор, ўзлари ҳаёт,
Лекин юрак-бағри ўлганлар.

Ҳар айтганинг буюк жангнома,
Қайга десанг қайтмай кетурман,
Қўзларимни юммасман асло —
Дарё каби уйғоқ ўтурман.

Тирик сатрлар

ҲАЁЛИМДА БЎЛДИНГ
ЎЗУН КҮН...

Ҳаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қирғоққа бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда,
Тоғиб бер, деб ойга ёлвордим.
Ишон бунга, сени доимо
Эсга солур чиройли тунлар.
Шўх юлдузлар, салқин сахарлар,
Эсга солур бахтиёр кунлар.
Толеимнинг ошиноси сен,
Сен севгимнинг кўкарган боғи
Сенинг билан бирга иқболим,
Ишончимнинг сен вафо тоғи.
Мени қуршар салқин бир ҳаво,
Сув устидан тун қуйилади.
Шунда қанча-қанча гапларни
Эсга солиб ой, ҳам тўлади.
Кеча жимжит, ёлғиз тўлқинлар
Пишқиради билмай тинимни.
Ҳийлагар ой — сеҳргар дилбар,
Солиб қўйдинг ёдимга кимни?..

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.
Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст,
Қуни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим.
Қучоқ-қучоқ гуллар терганим

Ва келтириб сенга берганим,
Кечагидай ҳамон эсимда.
Ҳар сония ҳар он эсимда,
Шундан бери тилимда отинг,
Шундан бери дилимда отинг.
Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.

ХАЙРЛАШУВ

Ўзинг сўйла, шу қора кўзлар
Унутарми шу учрашишни?
Шунча ўсиб ништар киприклар
Кўрганмикин шу гўзал тушни?

Унутмасман сени ҳеч қачон,
Юрагимда қоларсан абад.
Сен қоларсан мен билан мангу,
Юрагимга ошно бўлган дард!

Сўроғим шу: қора кўзларнинг
Йўқолмасин сира вафоси.
Бошларга тушмасин ҳеч қачон
Шу кўзларинг ҳижрон жафоси.

Сен қоларсан бу ерда ёлғиз,
Мен бўларман ҳамон дарбадар —
Қуёш уфқларга боққунча,
Ой айланиб ўтгунга қадар.

Хайр сизга, икки оҳу кўз!
Хайр йўлдош, хайр ошно!
Хайр сизга, эй икки юлдуз,
Хайр сенга, эй гўзал дунё!

КУЙҒАЙ

Сўзингни шарпаси текканда
олам боб, боб куйгай,
Денгизлар, дарёлар, ҳаттоки
қўлларда ҳубоб куйгай.

Камондек қошларинг, киприкларингдин
ўқ отар доим,
Сенинг ёдинг билан тинмай
ҳама нозу итоб куйгай.

Ёниб ишқингда қалбим,
қулга айланса ажаб эрмас,
Кўзинг осмонга тушганда,
ловуллаб офтоб куйгай.

Олай тоқатни қайдин,
кўзларингга ҳеч қаролмайман,
Тушибдир учқун бағримга,
гўёки китоб куйгай.

ҲАЗАЛ

На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,
Лабинг япроғидан томган ки гўё қатра бол бўлсам.

Бутоғингга қўниб булбул каби хониш қилиб тунлар,
Ўпиб гунчангни очмоқликка тонг чоғи шамол бўлсам.

Бўйингни тарқатиб оламни қилсам масту мустағрик,
Ўзимнинг санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол бўлсам.

Сенинг бирла қолиб бу масту лол оламда мен ёлғиз,
Ўзимни ҳам тополмай, майлига, охир ҳаёл бўлсам.

Агар боғингда гул бўлмоқ менинг-чун нораво бўлса,
Ки минг бор розиман қасрингга, ҳаттоким дувол бўлсам.

Бошим ҳеч чиқмаса майли маломат бирла бўҳтондан,
Рақиблар рашқига кўкрак керай, майли, қамол бўлсам.

Кезиб сахрою водийлар етишсам бир висолингга,
Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли, увол бўлсам.

Вакт шомга яқинлашиб қолган.

Дунёнинг бир бурчида туғилиб, энди-
на саккиз ёшга кирган болакай телевизор
томоша қилмоқда эди.

Телевизор ҳозиргина Германияда Пауло
деган саккизоёқнинг оламдан ўтганини маъ-
лум қилди. Бутун оламни ўргимчак тўридай
эгаллаб олган телеканалларнинг машҳурлари-
дан бири — National Geographic дастурлари-
дан у саккизоёқларнинг бор-йўғи уч-тўрт йил
умр кўришгани билиб олган эди. Аллақайси
мамлакатда ўтказилаётган футбол мусобақа-
сида қимнинг болиб чиқишини бутун инсония-
тга айнан мана шу саккизоёқ билдирган,
бирок, афсуски, икки соат олдин гаройиб жон-
зот жонини Ҳаққа топширган, заниям, бўйи-
ни олти қулочлик улкан шиша идиш ичида ҳозир
ифодасиз кўзларини бақрайтириб ҳаракатсиз
ётарди.

Телеканаллар уни салкам авлиё деб эълон
қилиб юборишди, ўтган йилги мусобақани
ҳам у беҳато айтиб берган эди. Юзлаб ки-
шилар алвон ёпинчқили кўтига солинган сак-
кизоёқ жасадини тантанавор кўтариб борар,
қайғули мусиқа чалинар, қисқаси, дунёнинг
турли бурчларидаги минглаб кишилар
ҳозир уни сўнгги йўлга кузатмоқда эдилар.

Хиёл ўтмай, алвон ёпинчқили
кўти денгиз сувларида
чайкала бошлади, тўлқин-
лар уни одамлар ташлаган
видо гулчамбарлари билан
қўшиб узокларга — уммон
қўрига олиб кетди.

Бола бошқа дастурга
ўтди, бу ерда Колумбияда
рўй берган сув тошқини
кўрсатишмоқда эди. Юзлаб
бегона кишилар ўз тилла-
рида бақриб-чақирарлар,
семиз бир аёл хўнграб йи-
лар, онасининг этагидан
ушлаб олган саккиз ёшлар
чамаси болакай камерага
анграйиб қараб турарди.

Сўнг Африканинг экваторга яқин ўлкала-
ридан бирида рўй берган воқеа намойиш
қилина бошланди. Эtti бориб устихонига
ёпишиб кетган саккиз яшар болакай
жизгинаги чиқиб кетган тупроқ устида зўрға
судралиб, қаёққадир ҳолис-ҳолис интил-
моқда эди. Ортада, катта бир тош устида ба-
ҳайбат ўлакшахўр қуш унга қилт этмай қараб
турарди. Сурат остида ёзув қалқиб чиқди:
"Африканинг қуёғқил ўлкаларидан бири-
даги бу болакай ҳозир икки чақирим нари-
даги озик-овқат тарқатиш маркази томон
эмаклар бормоқда. Ортадаги ўлакшахўр эса
боланинг жони чиқишини кутмоқда..."
Тантанавор бир овоз мазкур фотосуратнинг
халқаро Пулитцер мукофоти олиганини
таъкидлар, боланинг тақдирини нима бўлгани
эса ноаён эди.

Кейингисиди қанақадир япон профессори
қўйиниб ўз тилида гапирмоқда. Сурат остидан
ингичка чизик шаклида ўтаётган инглизча
субтитрларни у бемалол ўқиди: инсоният
технологиялар таҳдидига йўлиққани учун у
ўзининг саккиз яшар ўғли билан бирга
японларнинг қадим сёппуку аънасини адо
этишини билдирмоқда эди. Сёппуку нимали-
гини бола билмасди, ёнидаги кичкина
компютернинг тугмасини босиб кўргач,
англади: ўз жонига қасд қилиш дегани экан.

Ҳозир телеканал япон профессорининг ту-
тумини шоу-дастурга айлантириб юборди,
бир қанча тилларда жар солаётган суҳбат-
лару турли ранглардаги ёзувлар бугун соат
тўртда амалга оширилаётган ўша аънаанинг
жуда қизиқ бўлишини ваъда қилар, томоша

қилишни тавсия этар, "Фақат биз билан
қолинг!" дея бонг урарди.

Кейингисиди бир киши бутун инсониятни
Будда таълимотларини адо этишга чақирмоқ-
дайти. Ортада ярим яланғоч, семиз бир киши-
нинг улкан тош хайкали кўриниб ту-
рар, унинг теварағи ёш болалар билан
тўла эди. Гапирувчи қадимий бир
тилда нималарнидир жони ачий-ачий
ўқитаркан, шу аснода турли ту-
татқиларини тутатди, кейин хайкал қошига бо-
риб, ора-сира болаларга ўғирланганча, ибодат-
ни қандай адо этишни намоён қила бошлади.

Исажон СУЛТОН

ЙИГИРМА БИРИНЧИ АСРНИНГ
САККИЗ ЯШАР БОЛАСИ

Бола кейинги дастурга
ўтди. Унда кўрқинчи фильм
намоиши этилаётган экан.

Қанақадир тушунарсиз
йўллар билан тирилиб, нима
учундир ваҳшийлашиб кетган
ғалати маҳлуқлар тирикларга
даф қилмоқда, ақлни шоши-
рар даражада қучилилиги ва
янаям кўрқинчлиси — ўлмас-
лиги билан кўрқитмоқда эди.
Бола манзараларни бирпас
томоша қилиб ўтирди-да, зе-
рикти. Бу кўрқинч воқеалар-
да мантик йўқ эди — илму фан
кашфиёти ёхуд бўлар-бўлмас
жодулар натижасида тирилган
ўлиқлар нима учундир тирик-

ларни ейишга жуда-жуда қизиқар эдилар.
Бола, мабодо ўлган киши тирилса, нима
истаганини йўлаб кўрди, энаси қотиб, бошқа
каналга ўтди.

Набатдагиси — Срасе дастури эди. Олти
ойдики, уч фазогир зирхли фазо кемаси-
нинг ичида, Ер атрофида ваэзисизлик ша-
роитида яшамоқда эдилар. Улар инсоният-
га қарата, сувда сузган каби ҳавода сузганча
қўл силқитдилар, бола ҳам ҳазиллашиб қўл
силқиб қўйди. Фазо кемасига ёндош сузиб
бораётган бошқа сунъий йўлдошдан олин-
ган суратда фазогирлар кўзларининг бир
четигина кўринар, қесирс шу бўсинларда-
ги уч киши инсоният Ватанидан четга чиқ-
қан ҳолда ғоят гўзал ва мафтункор Ерга
маҳлиё бўлиб боқмоқда эдилар. Бирок,
гўзалликлардан завқланишдан ҳам кўра
уларнинг муҳимроқ бошқа вазифалари бор
эди: бу кишилар тупроқ остидаги нефт кон-
ларини фазодан излаш дастурини энди-
гина тугаллаб, ундан ҳам муҳимроқ бошқа
дастурга — ҳарбий жосуслик дастурига
киришишлари лозим эди.

Бола дастурни алмаштирди.

Бу ерда болалар ўртасида бокс мусобақа-
си бўлаётган экан. Экваторга яқин мамлакат-
ларнинг бирида ўтказилаётган бу мусобақа-
га ҳам юзлаб кишилар тўпланишибди. Мана,
атрофи арқон билан ўралган рингга икки бо-
лакай чиқиб келди, занг чалинган, улар бир-
бирларига ташланиб, шафқатсизлик билан
дўппослашга тушиб кетишди. Сал ўтмай, ил-
тасининг оғзи-бурни қонга беланди, томоша-
талаблар эса урган болани олқишлаб,

қийқириб сакрай бошладилар, буларнинг
орасида оқбилақ аёллар, ёш қизалоқлар ва
уларнинг оталари ҳам бор эди.

Сўнг Америка соҳилларида ҳалок бўлган
юзлаб делфинлар кўрсатилди, сочларини
шамол юлқилаётган, қўлида микро-
фон тутиб олган ўрта яшар бир киши
ҳеч бир сабабсиз ҳалок бўлган дел-
финларнинг чеки кўринмас жасад-
лари аро бир нималарни безовта-
ланиб гапирмоқда. Нима учундир бу ақли
жонзотлар оилавий ҳалокатни афзал қўриш-
ган, баҳайбат бу бағилларнинг ёнида кичкина
мурғаккиналари ҳам бор эди.

Бутунжаҳон технологик канал дунёда
қалинлиги бир микрон бўлган зирх кашф

этилганини билдирмоқдайти, олмосдан икки
кайра мустаҳкам бу зирх кўзга кўринмас да-
ражада юкқа бўлиб, яқин келажақда ҳар бир
одам терисининг остига жойлаштирилиши ва
шу тарика, барча кишилар зирхли Ҳимогга
ўтишлари мумкин эди. Японияда эса ген
ўзгартиришлари орқали қуш каби сайровчи
каламуслар оламга келтирилганини
айтардилар, ҳақиқатан ҳам чиққилловчи бу
каламуслар ўз каттачаларда питирлаб
сайрамоқда эдилар.

"Дунё мутантларга тўлиб бормоқда! — дер
эди диктор. — Бутун теварагимиз сунъий
юракли, сунъий буйракли ва ҳатто сунъий
қўли кишилар билан тўла, улар биз билан
ёна-ён яшамоқдалар. Йигирма биринчи аср
— мутация ва мисли кўрилмаган эврилиш-
лар асри бўлажак!" деб хитоб қиларди олим.

Бола бундан ҳам зерикди. Пулт тугмаси-
ни яна бир босганида, экран бир липилла-
дио тарихий сахчалар кўрсатила бошлади.
Экранда тўсатдан қуролланган ёш болалар
пайдо бўлганида, у қизқисиниб қараб қолди.

Бериги тараф, душман ёш болаларни
ўлдирмайти деб ишонгани боис, мингдан
зиёб ўн-ўн икки яшар болани қуроллантир-
ган, ҳозир бу бола аскарни душман тарафга
бостириб бормоқда эди.

Мана, улар қирдан ўтдилар. Қаршиларида
ҳақиқий лашкар — душман лашкари намоён
бўлди. Болакайлар лашкари эсанкираб, нима
қиларини билмай қолди.

Катталар аскарни ҳам пўлат зирхли отлари,
кескир найзалар ва манжаникларини жанг-
га тайёр тутгани ҳолда, ҳайратда эдилар:
жангга кирмай дейишса, бу болакайларнинг
кўзларида саваш учқунлари алангаланиб
ёнмоқда, қирай дейишса — ҳали балоғатга
етиб-етмаган мурғаклар...

Бургулар чалинди, қарнайлар ўқирди.
Катталар аскарни селдай бўлиб ёш болалар
лашкари устига оқди.

Кичкиналар лашкари бирпасда тумтарақай
бўлиб кетди. Бири хўнграганча югуриб бо-
риб, дарҳат ортига яширинди, бошқаси рўпа-
расида ҳайбат солиб келаётган баҳайбат ас-
карни кўриб, кўрқанидан иштонини хўл қилиб
қўйди, бошқаси "Ота! Ота!" дея чириллаб йи-
лаб қоча бошлади, яна бири яраланган от-
нинг ортига яширинмоқчи бўлди, хайвоннинг
жон чиқар пайтидаги типирчиллашларидан
қўриқ кетди ва ўша заҳоти ортига қараб ти-
рақайлаб қочишга тушди.

Бола яна дастур алмаштирди.

Ҳалоқ бўлган маданиятлар ва тамаддун-
лар ҳақида эди бу дастур. Бутун бошли
халқлар ва маданиятлар кучли шамол,
зилзила, чақмоқ, бўрон ва ҳоказо балолар ту-
файли ер юзидан тамомила супурилиб кет-
гани ҳақида ҳикоя қилинар, ўзи кўринмаёт-
ган бир киши шундай деб хитоб қилмоқда эди:

"Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни
тарқатиш учун: «Бу Тангрининг ҳузуридан»,
дейдиганларга ҳалокат бўлсин!"

"Уларга ўз қўллари билан ёзган
нарсаларидан ҳалокат бўлсин! Уларга толган
фойдаларидан ҳалокат бўлсин!"

Кейингисиди эса инсоннинг мулқ азод-
лиги ҳақида гапирилмоқда эди. Одам азод
туғилган, дунёнинг
истаган ерида яшасин,
истаган ишини қилсин,
дейилмоқда, қайсидир
мамлакатда қайсидир
бир тўда ана шунини талаб
қилиб шовқин солмоқда.

Ховлида кимдир

томоқ қирди. Ота ишдан қайтган эди.

Бола телевизорни ўчириб, шошиб отасининг
қаршисига чиқди ва дон-дона қилиб салом
берди. Ота кулимсираб, алик олди, шунда
кўзларига мамнуният ва шўр ифодалари бал-
қди. Ўғлон отасининг қўлига сув қўйди, чопиб
бориб, сочик олиб келди. Ота уни эркалаб,
"Умрингдан баракка топ, болам" деб алқиди.
Кеч қира бошлади. Шабада ёмғир исини
олиб келди.

Она овқатни сузиб келтирди.

Ховлидан райхон бўйлари анқир эди.
Узоқларда, жуда ҳам юксакда юлдузлар
живирлардилар.

— Отамнинг қошига бордим, — деди Ота
онага. — Жами ўтганларимизнинг ҳақлари-
га дуо қилиб келдим.

— Худо рози бўлсин, савоб қилибсиз, —
деди она.

— Овқатга қаранглар, болаларим, — деди
ота, лекин болалар қўл узатишмай, уни ку-
тишди. "Бисмиллоҳ" деб ота таомга қўл узат-
ди, болалар эса онанинг ҳам қўл узатишини
кутишди. Онадан сўнг ака, опа, сўнгиди у қўл
узатди.

Буни кузатиб турган ота яна бир марта
"Баракалла, болам" деб қўйди.

Таом ейилди.

Таомдан сўнг фотиҳа ўқилди. Ота, шомга
қадар эсон-омон етказгани учун Яратганга
ҳамд айтиди, умрларини узоқ ва хайрли қили-
шини, баракат тўла ризқ ато этишини сўраб
дуо қилди, кейин кичкина ўғилга қараб
"Дастурхонни сен қоқиб кела қол, болам,
савоб кичкиналарга бўлсин", деди. Бола
ўрнидан турганида она шундай деб ўргатди:
"Дастурхонни райхонлар орасига қоққин,
болам, шояд қушлар еб кетса. Савоб бўла-
ди, савобини пайғамбаримизга, барча авли-
ёларга, дунёдан ўтган барча аждодларимиз-
га бағишладим деб айтгин, ҳўпми?"

Бола шундай қилди.

Шу тарика, теваракка шом қўнди. Ҳар
қунгидай, бошқаларидан фарқ қилмайдиган
оддийгина тинч-осудагина бир шом.

Исажон СУЛТОН 1967 йилда
туғилган. ЎЗМУнинг журналистика
факултетида таҳсил олган.
"Муножот", "Ойдинбулоқ", "Боқий
дарбадар", "Озод" сингари
китоблари нашр этилган.

Эъзоа ОБИДЖОНОВА

ГУЛДЕК АСРАБ,
ГУЛДЕК ЭРКАЛАБ

КЎЗМУНЧОҚ

Қўлларимни кўтариб кўкка,
Мен сен томон яқинлашаман.
Эй, жонимни ўстирган ўлка,
Гулдан қўйлақ кийгизган чаман.

Мусичанинг полапонидай,
Шўхлик билан потирлаб ўсдим.
Йиқилсам гар юзимдан ўпиб,
Эркалади тупроғинг, дўстим.

Шамол билан кездим далангда,
Тоғлар билан сирдош тутиндим.
Вужудингга кузги жалада,
Сингиб кетди шўхликларим жим.

Гулдек асраб, гулдек эркалаб,
Отамдайин ҳеч олмадинг тин.
О, қўлимга кўзmunчоқ тақиб,
Тетапоя қилдирган замин.

ТОШКЕНТ

Ҳаётимга янги сарлавҳа
Бўлиб мени қувонтирасан.
Орзуларим кўчириб оққа,
Мен бағрингга учиб бораман.

Югиргилар кўчаларингда,
Қадамимда шиддат, ғайратим,
Жилмайганча ўзин фотиҳ қилар,
Юрагимни сенга ҳайратим.

Она макон — Андижон менга
Отангга айт, саломлар деди.
Илк нигоҳим соғинчга тўла,
Довонлардан шамолдай елди.

Содда боланг бўлиб келдим-у,
Буюк одам бўлиб қайтаман.
Нигоҳимга чизиб суратинг,
Андижонга салом айтаман.

Эъзоа ОБИДЖОНОВА 1997 йилда
Андижонда туғилган. Марҳамат Қишлоқ
хўжалик касб-ҳунар коллежининг I босқич
талабаси.

НАШР МАСЪУЛИЯТИ ВА ЗАМОН ТАЛАБИ

Президентимизнинг кунги кеча матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида Ватанимиз шонли тарихидаги муборак санага муносиб тайёргарлик кўриш ва нишонлашга доир вазифалар аниқ белгилаб берилган. Мазкур қарорда, жумладан, “... улуг айёми муносиб кути олиш ва ўтказиш мақсадида бугунги кунда олиб борилаётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини, аввало, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик жамият қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг кадр-қимматини чуқур англаш ташкил этиши даркор”лиги алоҳида таъкидланган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти ва халққаро ҳам-жамиятдаги обрў-эътибори билан ҳар қанча фахр-ифтихор қилсак, асарларимизда тарғиб-ташвиқ этсак ҳам. Зотан, жамиятимизнинг маънавий қудрати ошиб боришида, маданий-маърифий жиҳатдан юксалишида ижодкорларнинг сўзи — турли жанрларда яратган ман-зур асарларининг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Шу маънода адабий жараённинг долзарб вазифаларини аниқлаб, муҳокама қилиб, муаммоларга биргаликда ечим топиш ижодий ишларимизнинг таркибига қирадиган муҳим вазифаларимиз сирасидандир.

Давлатимиз раҳбари “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисолисида ёзувчи ва унинг ижтимоий ҳаётдаги вазифаси ҳақида шундай фикрни таъкидлаб ёзганди: “Менинг фикримча, ёзувчилик — оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу

қисмат, пешонага битилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир”.

Юртбошимизнинг бу фикрлари ёзувчиларга катта масъулият юклайди, айни пайтда ижод аҳлига юксак ишончини билдиради. Доимий эътибор ва ғамхўрликка жавобан адиб ўшорларимиз ҳам муносиб ижод қилишга, бадий мукаммал, пишиқ-пукта асарлар битиб, истиқлол даври адабиётини яратишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг қисса ва ҳикояларида, роман ва достонларида, шеър туркумларида бугуннинг нафасини ҳис қиласиз, замондошлар билан ҳамдард, ҳамқадам бўласиз. Аммо гуруч курмаксиз бўлма-нидек, кейинги пайтларда мазмунан саёз, адабиётга алоқаси бўлмаган енгил-елли воқеалар баёнидан иборат китоблар ҳам кўпайиб бораётгани сир эмас. Шу боис чоп этилаётган китобларнинг маънавий, бадий ва ғоявий савияси борасида ҳақли эътирозлар билдирилмоқда. Шу маънода, ақинда телевидение орқали намойиш этилган “Нигох” кўрсатувида ана шу соҳадаги долзарб муаммолар кўтарилгани айни мuddао бўлди. Кунги кеча Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида мазкур кўрсатув муҳокамаси ҳамда китоб нашр этиш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда тегишли идоралар раҳбарлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, ноширлар ва адабиёт мухлислари иштирок этди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али олиб борди.

Муҳаммад Али: — Муҳтарам Президентимиз “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” номли дастуриламал рисолисида китоб чоп этиш масъулияти ҳақида шундай деб таъкидлаганлар: “Бугунги кунда наشريётларга тўла эркинлик берилган, уларнинг фаолиятига ҳеч қим четдан туриб аралаша олмайди. Лекин ана шу эркинликни тўғри тушуниш, масалага масъулият билан ёндашиш даркор. Яъни фақат иқтисодий манфаат ортидан қувиб, бадий жиҳатдан заиф, миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга тўғри келмайдиган, адабиётнинг обрўсини туширадиган китоблар нашр этилишига йўл қўймаслик керак”. Бугун ижодкорлар учун яратилган имкониятларни суиистеъмол қилиб, қалам аҳли деган шарафли номга доғ тушириётганларга қарши нафақат ёзувчилар уюшмаси, балки барча зиёлилар биргаликда курашмоғимиз лозим.

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ, Республика Маънавият тарғиботи маркази раҳбари:

— “Нигох” кўрсатувида кўтарилган долзарб масалани нафақат ноширлар, балки маънавият тарғиботини ўз бурчи деб билган барча зиёлилар учун жиддий танқид ва танбеҳ сифатида қабул қиламиз. Бугун наشريётлар томонидан юзлаб номдаги китоблар чоп этилаётганига қарамай, юртимизнинг барча минтақаларида бадий адабиётлар тақчиллиги сезилмоқда. Аммо турли мавзудаги китобларни қўлаб чоп этиш билангина маънавиятимиз юксалиб қолмайди. Асосий эътибор уларнинг маънавий-ғоявий савиясига қаратилиши лозим. Жорий йилда “Соғлом бола йили” дастурига асосан юртимиз мактабларига жами 6,5 миллиард сўмлик бадий адабиётлар етказиб бериш кўзда тутилган. Албатта, яхши адабиётларни минглаб, юз минглаб нусхада чоп этса арийд. Шу билан бирга, маънавий ва ғоявий талабларга жавоб бермайдиган китоблар орқали бўладиган хуружларга қарши қатъий чоралар қўриш — давр талаби бўлиб қолляпти. Бу борадаги ишлар Республика Маънавият тарғиботи марказининг доимий эътиборидадир.

Муҳаммад Али: — Айниқса, тарихий мавзудаги китобларни чоп этишда ниятда ҳашиёрлик зарур. Тарихий хотира — жамият маънавиятини шакллантирувчи муҳим омиллардан бири. Масалан, Марсель Брионнинг “Менким, Сохибқирон — жаҳонқир Темур” номли китобида ёлгон маълумотлар жуда кўп. Муаллиф сифатида Марсель Брион номи турган бўлса-да, аслида бу китоб ғаразгўй қимсалар томонидан тарихни сохталаштириш мақсадида ёзилган уйдирмалар билан обдон “бойитилган”. Бу ҳақда тарихчи олимлар томонидан асосли фикрлар айтилганига қарамай, мазкур китоб ўзбекчага таржима қилиниб, чоп этилди. Оқибатда ўқувчиларда улуг бобокалонимиз тўғрисида нотўғри тасаввурлар шаклланыпти.

Муҳиддин ОМОН, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ОАВ ва наشريётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош муҳаррири:

— Айни кунда китоб дўконларини айлансангиз, кўзингиз яйраб, кўнглингиз қунайд. Бугун республикамизда

фаолият юритаётган 100 дан ортиқ наشريёт томонидан йилга 2500 номдан зиёд, умумий адади 40 миллион нусхадан кўпроқ китоб ўқувчилар оmmasига ҳавола этилаётди. Улар орасида олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари, академик лицей ва коллежлар, умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликлар, ўқув қўлнамалардан ташқари барча йўналишдаги китоблар, хусусан, адабий-бадий асарлар, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий адабиётлар, илмий-оммабоп, энциклопедик наشرлар, турли лугатлар, китоб-албомларнинг борлиги эътиборлидир.

Жумладан, “Соғлом бола йили”га бағишланган агентлик тизимидаги наشريёт-матбаа ижодий ўйлари томонидан 40дан ортиқ номда китоб ва бошқа босма махсулотлар нашр этилди.

Бундай ижобий ишларни ҳар бир наشريёт фаолияти мисолида кўрсатиш мумкин. Бирок айни пайтда баъзи бир наشريётлар томонидан бадий савиясиз паст, ижтимоий аҳамиятсиз, мазмун-мундарижаси талаб даражасида бўлмаган битикларини ҳам китоб қилиб чоп этиш ҳоллари учраётгани ачинарлидир. Адабиётдан ташқарида, бадий дидсиз “бозор адабиёти” пайдо бўлганга келгусида бундай камчиликларга барҳам беришни кўзда тутди. Хусусан, сўнгги йилларда ана шундай савиясиз китоблар нашр этилишига йўл қўйган бир неча наشريётнинг фаолияти тугатилиб, улар ноширлик ҳуқуқидан маҳрум этилгани ҳам маънавият сарчашмаси бўлган китобга нисбатан ижтимоий талаб ва масъулиятнинг сусаймаслигидан далolat. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошида таниқли адиблар, ношир-матбаачилар, олимлар, маънавият тарғиботчилари иштирокида “Ноширлик фаолиятини мувофиқлаштириш жамоатчилиги кенгаши”нинг таъсис этилаётгани бу каби тадбирлар айнан наشريётлар фаолияти самарасини ошириш, уларда нашр этилаётган китоблар савиясини яхшилаш, бу борада ижодий ташкилотларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига қаратилаётгани билан эътиборлидир.

Аҳмадхон МЕЛИБОВЕВ, Ўзбекистон адабиёт ва санъат маркази раҳбари:

— Наشريётлар қошида жамоатчилик кенгашига тузиш билангина қутилган натижага эришиш қийин. Масалан, “Дафти қизнинг дафтери” деган китоб танқид қилинган бешта мақола босилди. Аммо на жамоатчилик ва на тегишли идора ёки наشريётлар томонидан ҳеч қандай муносабат билдирилмади. Бу китобни дўконлар ва ҳатто бозор расталарида ҳам учратиш мумкин. Самарқандлик бир ҳаваскор Спитамен ҳақида каттагина китоб ёзиб, чоп эттирган. Бу “асар” таниқли ёзувчи ва тарихчиларнинг китобларидан сўзма-сўз қўчириб олиганини исботлан

ди, жиддий муҳокама бўлди. Яна бир ижодкор асари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Аммо ўша китоблар ҳануз сотувда, муаллифларга эътироз билдирилгани ҳам йўқ. Демак, бу каби ноҳўя ҳолатларга қарши янада жиддий таъсир чоралари қўлиниши лозим.

Шухрат РИЗАЕВ, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири:

— Сўнгги йилларда чоп этилаётган бадий китоблар борасида турли фикрлар, қарама-қарши мулоҳазалар бўлиб тургани барчамизга яхши маълум. Китоб дўконлари пештахталарини олди-қочди романилар, қиссалар босиб кетди.

Демократия ижодий эркинлик учун сув билан ҳаводек зарур ҳодиса, албатта. Лекин уни соғлом мушоҳададан айри, ҳар бир одам ўз майлича иш тутди, деб билиш мутлақо нотўғри. Чунки халқимиз азалдан ҳақ сўзга, ижодкор фикрга ишониб келади. “Декамерон”дан “Граф Монте Кристо”гача, “Робинзон Крузо саргузаштлари”дан тортиб “Мегра” ёки “Пуаро” детективларигача “бозор адабиёти”нинг ёрқин намуналари борлигини унутмаслик лозим. Мана шу каби бозор адабиёти намуналари бўлса, уни фақат таъриқлаш мумкин.

Очиги, ҳам ижобий, ҳам салбий маънода ибрат ёки зарар бўладиган юзлаб наشرлар чоп этилиб турганда, айнан яхшиши китобхон қўлига етиб боришини таъминлайдиган чора-тадбирлар зарурлиги, таъбир жоиз бўлса, муайян тизим яратилиши мавжуд аҳолини ўнлашнинг омили бўлиб қўринад. Табиий савол туғилади: нима учун бир пайтлар ўттиз мингдан юз минггача нусхаларда чиққан китоблар биколлектор орқали барча китоб дўконлари, кутубхоналар, бошқа маърифий муассасаларга ўз вақтида мунтазам етказиб бериш ҳолда эндиликда уч юз, беш юздан уч минг, беш минггача чоп этилаётган китобларни ҳақиқий ўқийдиган аудиторияларга етказиб бериш ниятда жиддий муаммага айланиб қолди. Назаримда, агар таъминот тизими шилас, китобларнинг мутахассислар нигоҳидан ўтиб, профессионал ижрода тақдим қилинган намуналар ўқувчиларга етиб боради. Нима учун, дейлик, “Китоб жавонингизга” деб нотомланган қатор оммавий ахборот воситаларининг руҳналарини гоҳо “Китоб жавонингизга тушмасин” деган руҳ билан алмаштириш мумкин эмас?!

Бугунги кунда ҳақиқий ижодкорнинг қўлаб-қувватлаш, истеъдодни авайлаб-асраш қанчалик муҳим бўлса, уни керак ўринда муҳофаза қилиш ҳам ниятдадир. Чунки ҳақиқий ижодкор китобларини кўтариб эшикка-эшик юрмайди, менинг асаримни мактагин деб “компания” уюштирмайди. Лекин уларнинг ижод намуналарисиз ҳақиқий адабиётни ҳам ривожлантириб бўлмайди. Модомики шундай экан, уларни маънавий муҳофаза қилишқа нафақат ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика маънавият ва маърифат кенгаши, балки барча мутаассиди ташкилотлар олдидаги жиддий вазифадир.

Улугбек ХАМДАМ, “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири:

— Жиддий адабиёт миллат маънавиятини бойитишга хизмат қилса, “кўча адабиёти”, аксинча, асрлар мобайнида томчи-томчи йилгилан ана шу маънавий бойлиқнинг чалақаб тўқилишига сабаб бўлиши мумкин. Албатта, адабиёт ранг-баранг бўлмоғи керак. Чунки ўқувчилар адабий дидининг ўзи турфа хил. Лекин хилма-хиллик дегани орада савиясиз асарларга ҳам рухсат бор, дегани эмас. Баъзан танқиддан

тубан адабиёт ҳақида лом-мим дегани маъқул деймиз. Бу қанчалик ўзини оқлайди? Ана йиллар муқаддам китоб дўконига кирсам, аёл муаллиф номидан бир неча шеър йўлдам нашр қилинганига кўзим тушиб, қизиқиб биттасини олдим-да варақладим. Шунда китоб адади эътиборимни тортиди: нақ 100 000 нуса! Дўконидан сўрадим: “Чиндан шунча нусхами ё бу ерга битта-иккита ноль адашиб қўшилиб қолганми?”

“Йўқ, Марҳабо опанинг китоби яхши сотилади, ноллари жойимда”, деб жавоб берди сотувчи. Шершунос бўлганим учун битта шеър йўлдамни харид қилдим ва уйга келиб ўқиб чикдим. “Шеър йўлдам” деганимиз қофиядан оз-моз хабардор, жиндакни бадий заъки бор ва табиийки, шу ишдан моддий манфаатдор ҳар қандай қаламқаш бир ўтиришда беш-олтитасини тўкиб ташлайдиган машқлар йиғиндиси бўлиб қичди. Кейинги йилларда эса бошқа бир ном тилларга тушди. Ҳатто дўконларда унинг китобчалари учун (“Шарқ зийбери”) китоб дўконига кириб кўрини! алоҳида бурчаклар ташкил этилибди. Қолаверса, вилоятларимизда ўтказилаётган турли адабий учрашувларда ёшларимизнинг у ҳақида тез-тез сўраб туришлари менинг ҳам эътиборимни тортиди. Хуллас, ҳам наشريётларимиз, ҳам китоб дўконларимиз, ҳам ёш ўқувчиларимиз бир бўлиб қизиқишимни орттирган “шоир”нинг исми Аҳад Қаюм экан.

Дарҳол унинг бир неча тўплами билан танишимда ва дўкондор айтмоқчи, ноллари жойида бўлса ҳам натижа — ўша-ўша. Негат? Дастлабки мулоҳазаларимни бир мақолада баён этдим. Аммо таҳририятдагиларнинг рўйхушлик бермагани боис мақола ўша мулоҳазаларисиз қичиб кетди. Эҳтимол, улар ҳам ўша машқларга “танқиддан тубан” деб қарашган бўлса, ажабмас. Ахир, бир пайтлар менинг ўзим ҳам жуда бўш матнлар борасида худди шундай фикрда эдим-да! Бугун эса ҳаёлимда ўзга савол айланди: бу ёқда ўша машқларни адабиёт илми танқиддан тубан деб турсаю, у ёқда адабиётга қизиқиб келаётган ёшларимизнинг асосий қисми “шоир” деганда Марҳабо ва Аҳад Қаюми, “шеър” деганда уларнинг ҳам шаклдан, ҳам мазмунан хом, саёз, танқиддан тубан машқларини таан олмиса, оқибат нима бўлади?

Бозорбон китобларни тўп-тўп чиқариб хазинасини бойитган наشريётлар ҳар йили миллат маънавиятига хизмат қиладиган лоқал беш-ўнта мумтоз ва замонавий адабиётимиз намуналарини чоп этиб боришса, жиддий маънавиятга, шунинг билан, унинг адабиётига, келажакига хизмат қилган бўлмайди? Ҳа, тан олиш керак, бугун жиддий адабиёт жиддий иқтисодий ҳимояга, тарғибу ташвиққа муҳтож. Лекин у ҳеч қачон қарздор бўлиб қолмайди: жиддий адабиёт миллатни ёл мафкурадан, бегона ғоялардан, оммавий маданиятнинг ҳалокатли унсурларидан ҳимоялашга ҳақдор маънавий имунитетини пайдо қиладиган, шакллантирадиган ва мустаҳкамлайдиган қулардан биридир. Шу маънода, то халқ бор экан, жиддий адабиёт унинг ҳақиқий миллий бойлиги бўлиб қолаверад!

Абдулла АЪЗАМОВ, адабиётшунос олим, ёзувчи:

— Кейинги пайтларда “бозор адабиёти” деган атама рўйи рост пайдо бўлди. Таъбир жоиз бўлса, “бозор адабиёти” тоғ қўчиси-ю, биз унга қарши фақат кетмон билангина курашаётганга ўхшаймиз. Бир пайтлар диний адабиётларнинг нашр этишга руж қўйилган эди. Оқибатда турли

ёндорлар ва ихтилофлар пайдо бўлгани ҳам ёдимизда. Бундай наشرларни Дин ишлари бўйича қўмитанинг рухсати билан чоп этиш жорий қилинган, анча тартибга тушди. Сўнгги тарихий мавзудаги наشرларга нисбатан ҳам талаб қучайтирилди. Бугунга келиб, бадий адабиётга ҳам шундай ёндоршув кераклиги аён бўляпти. Тўғрисиини айтганда, танқид ҳаммага ҳам ёқармайди. Бунинг устига, танқид қилишни яхши билмаслигимиз ҳам рост. Хулоса шуки, танқид маданиятини ўстириш бугунги долзарб вазифалардан бири. Юмор ва ҳаждан ҳам унумли фойдаланиш лозим.

Муҳиддин ОМОН: — Муҳаррирлар ишига бўлган талаб ортмоқда. Наشريётларга малакали мутахассисларни жалб этишга устувор вазифа сифатида қаралапти. Муҳаррирларни белгиланган тартибда мунтазам аттестациядан ўтказиш йўлга қўйляпти. Яхши китобларнинг қўлайишида ношир-матбаачиларнинг, муҳаррир, мусаххилар малакаси, сависини ошириб бориш масаласи ҳам ўта муҳим ва долзарб аҳамиятга эга вазифа. Шу сабабли Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бу борада доимий тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Агентлик томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, “Қамолот” ЕИХ каби ҳамкорлар билан биргаликда “Наشريётлар фаолиятида лицензия битимларининг ихроси ва ноширлик масъулияти, соҳадаги муаммо ва ечимлар” мавзуда амалий семинарлар, ўтказилди, ношир ва матбаачилар учун “Ноширлик фаолияти: моҳият, маҳорат, масъулият” номли назарий-амалий қўлنامа нашр этилди.

Афсуски, “бозор адабиёти”нинг росмана адабиётдан анча олислиги, адабиётимиз боғида ана шундай бегона алафларнинг салмоғи ошиб бораётганлигидан кўз юйиб бўлмайди. Маълумки, бундай “асар”ларнинг аксарияти детектив ёки саргузашт жанридаги китоблардир. Ушбу жанрнинг адабиётдаги муҳим ўрнини, жаҳон мумтоз адабиётда ҳам энг омалашган жанрлардан бири эканлигини ҳамма билади. Бас,

Иқбол МИРЗОЕВ, Ўзбекистон уюшмаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири:

— Бугунги кунда матбаа ишларида ҳам энг янги, замонавий технологиялар қўлланилаётгани боис, қисқа вақт ичида сифатли китоб чоп этиш имкониятлари жуда кенгайди. Бу имкониятлардан, айниқса, “бозор адабиёти” вакиллари унумли фойдаланишяпти. Улар учун маънавий-ахлоқий масъулият, бадий савия каби тушунчалар аҳамиятсиз. Ўрни келганда бир неча шоирнинг шеърларини “қоритириб” шеър ясашдан, ўзгаларнинг ёзганларини ошқорла қўчиришдан унотинмайдилар ҳам бор. Муқовада “муаллиф”нинг антиқа сурати савлат тўкиб туради. Айниқса, китобнинг номланишига алоҳида эътибор берилади: “Ҳиёнат туни”, “Сўнгги қотиллик” ва ҳоказо. Ана шундай китобларини жуда катта нусхаларда қайта-қайта чоп этиришад.

Уларни юртимизнинг энг олис қишлоқларига, ҳафтасига том-том асарларни ёзиб ташлаётган “ёзарманлар”га бериб қўйишди. Энди, уларнинг битиклари пештахталарни тўлдириб турганда эса, “ёмон китоблар кўпайиб бораёпти”, дейишмоқда. Аслида, бу борада профессионал адибларимиз ўзларининг бироз суस्ताшқиларини ҳам ўйлаб қўришса яхши бўларди, деб ўйлайман.

Сирожишдин РАУФ, Ўзбекистон уюшмаси масъул котиби, шоир:

— Юқорида айтилган фикр-мулоҳаза, таҳлиллардан шу нарса аён бўлдики, китоб дўконларининг пештахталарида бадий савиясиз паст, замун-моҳияти ноаниқ, “олди-қочди асар”ларнинг бундай урчиб кетишига, қайсидир маънода, ҳақиқий сўз усталари — адиб ва шоирларимизнинг ҳам айби бордек, назаримизда. Чунки ҳар доим ҳам бугунги китобхон талаб ва эҳтиёжини англаган ҳолда турли долзарб мавзуларда бадий етук асарларни ўз вақтида ўқувчилар эътиборига ҳавола этолмаганимиз. Шу ўринда эътироф этишимиз жоизки, халқимиз китобхон, мутлолажа ҳамиша иштиёқманд. Модомики шундай экан, таниқли ижодкорларимизнинг фаолигини янада оширишимизни бир лаҳза ҳам тарк этгани йўқ. Фақат ана шу кечинмалар йирик бадий асарларда — қисса, роман, достонларда бўй кўрсатиши ва келажак авлодларнинг кўнгил мулкига айланиши мақсадга мувофиқдир.

Муҳаммад Али: — Шу билан ижодкорларимиз бугун қўл қовуштириб ўтирибди, дейиш фикридан мутлоқ йироқмиз. Адиб ўшорларимиз, публицист ва журналистларимиз қайноқ ижодий фаолият оғушидадир. Мустақиллигимизнинг кутлуг йигирма уч йиллик тўйи арафасида улар жойларга қичиб бунёдкор халқимизга ўзларининг масъул Сўзи, самимий мулоқотлари билан камарбаста бўлишяпти. Эзгу ишларга дахдорлик туйғуси ижодкорларимизни бир лаҳза ҳам тарк этгани йўқ. Фақат ана шу кечинмалар йирик бадий асарларда — қисса, роман, достонларда бўй кўрсатиши ва келажак авлодларнинг кўнгил мулкига айланиши мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда бир фактни таъкидлаб ўтсам. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг ёш ижодкорлар учун мунтазам ўтказиб келинаётган “Истеъдод мактаби” семинарида ижобий баҳо олган истеъдодли ёш қаламқашларнинг “Ижод” фонди томонидан чоп этилган “Биринчи китоби” туркумидаги илк тўпламлари жами юз мингдан зиёд нусхада чоп этилиб, коллеж ва мактабларга бепул тарқатилди. Муҳтарам Президентимиз раҳнаомлигида адабиётимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар, миллий адабиётимиз ва маънавиятимизни ривожлантириш борасида ёзувчилар зиммасига юклатилган масъулиятли ва шарафли вазифалар, ижодкорларнинг фуқаролик позицияси билан биргаликда юксак бадият мезонлари устуворлиги зарурияти овоз ва обод замонамизда давр талаби эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давра суҳбатини Бахтиёр ХАЙДАРОВ ёзиб олди.



ТАЛАБА-ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Хар бир соҳанинг, хар бир масканинг ўз анъаналари, удумлари бор. "Талаба-ёшлар ижодиёти" фестивали Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ана шундай яхши анъаналаридан бири.

Янги ташкил этилган институт жамоаси бу фестивал билан бирга "Очиқ эшиклар кунлари"ни ҳам кўнгилдагидек ўтказишга муваффақ бўлди.

Дастурдан ўрин олган турли жанр ва мавзулардаги диплом спектакллари, бадий ва ҳужжатли филмлар, бадий сўз ижрочилиги, якхон ва гуруҳ концертлари, шоу-дастурлар, синф концертларининг барчаси талабалар ижоди маҳсулидир. Албатта, хар бир ижодий ишда устоз-мураббийларнинг хизмати беқиёс эканини алоҳида эътироф этиш зарур. Тадбир давомида етти спектакл, 23 та қисса ва тўлиқ метражли филм, 2 та концерт ва бадий сўз ижрочилиги дастури, спектакл-шоу, синф-концерти — ҳаммаси бўлиб 35 ижод намунаси намойиш этилди.

Айниқса, спектакллар намойиши кенг қамровда ўтказилди. Битирувчи курслар — "Драматик театр ва кино актёрлиги"нинг "Отелло" ва "Медея", "Драматик театр режиссёрлиги"нинг

казиб беришга интилди. Юлдуз Ражабова гўзалликда тенгсиз, беозор ва бахтдан масрур ёр образини гавдалантирган бўлса, Мирзохид Камолитдинов ўзгача актёрлик топиламлари, пластик хатти-ҳаракатлари, айёрона нигоҳлари билан хар қандай одамни ўз ҳукмига бўйсундира олишдек кучга эга Яғони образ даражасига етказган. Шунингдек, Кассио, Эмилия, Родриго, Монтано, Брандано каби

Анжуман

бўлгани туфайли озгина эътирозга сабаб бўлган "Хижрон" спектаклининг ҳам эътиборли жиҳатлари бор.

Фестивал институтда хар бир талабанинг драматурги Еврипиднинг "Медея" спектаклида мукамал режиссура, сахнавий безаклар, айниқса, бош қаҳрамон Медея образи

Тадбир давомида эътиборга олинган лозим бўлган масалалар ҳам кўзга ташланди. Масалан, навбатдаги фестивалда театр санъати факультетининг мусикали драма, эстрада ва кўйроқ театри йўналиши битирувчилари ҳам драматик театр ва кино актёрлиги йўналиши каби 2-3 тадан битирув ижодий ишларини намойиш қилишса, тўри бўлади, деб ўйлайман.

Замира Аҳмедова, доцент:

— "Талаба-ёшлар ижодиёти" фестивали фақат ёшларни эмас, биз ўқитувчиларни ҳам янги-янги услуб ва шакллар излашга чорлаши билан муҳим аҳамият касб этди.

Шекспирнинг "Отелло" асарини сахналаштириш вақтида жуда катта изиланиш жараёнини бошдан кечирдик. Бундан мақсад ёшларимизни Шекспир даҳоси билан таништириш, асарлар залворини ҳис этишга ўргатиш, бу асарларга талабалар сахнасида қандай ролдашиш кераклигини ўқитиш эди. Чунки бундай асарлар талабаларнинг имкониятларини очишга имкон беради. Спектаклдаги роллар тўғрисида қилинганга оғир-ағир яратилади. Назаримда, талабалар, айниқса, асосий рол ижрочилири ўзларига берилган вазифани уйдлашди. Демак, маълум маънода мақсадимизга эришдик.

Муқаддас АХМАДЖОНОВА

"САОДАТ"

2014 йил, 2-4-сон

Журналнинг 2,3,4-сонлари ўқувчилар қўлига теғди. Иккинчи сон "Дунёнинг ободлиқ фасли" мақоласи билан очилади. Катталардан иборат мақола қўламоғимга бағишланган, гўзаллик ва ёшариш фаслига шукрона тарзида битилган. "Инсон манфаати — олий мезон" суҳбатда журналистнинг долзарб саволларига Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Ойша Ахунова берган жўнда ва қизиқарли жавоблар журналхонларни бефарқ қолдирмайдиган. Филология фанлари доктори Маматқул Жўраевнинг "Момолашим алёрига айланган айём" мақоласи "Наврўз" байрамига бағишланган. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиева "Баҳор билан учрашув" мақоласида халқимизнинг шоира Зулфияга эътироми ва эъзози ҳақида ўқиб ёзди. "Хотира уйғонса гўзалдир", "Кўзгү" "Соғлом бола йили", "Билиб қўйган яхши", "Пардохона", "Соғлом бола — соғлом келажак" каби руҳлар остида берилган маслаҳат ва маълумотлар уй бекаларига асқотиши турган гап.

Учинчи соннинг илк саҳифасида "Тинчлик саодати" номли мақола берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Комила Каромованинг журналист саволларига берган жавоблари журналхонларга манзур бўлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" асаридан олинган "Қутилмаган ташриф" номли пар-

Журналларни варақлаганда

чада Сохибқироннинг аёлларга муносабати, инсонийлик фазилатлари намоён бўлган. Ёзувчи Яйра Саъдуллаеванинг ибратли ҳаёти ва ижоди ҳақида "Кеча баҳор келиб-кетди" мақоласида ҳикоя қилинган. "Уйингизда ўғил ўсаяпти", "Дарсон", "Биринчи муқовада", "Чевархона" руҳи остида берилган суҳбатлар, мақолалар, маълумотлар ҳам ўз ўқувчисини топади, деб ўйлаймиз.

Тўртинчи сонда ҳам турли мавзулардаги мақола, ҳикоя ва шеърларга кенг ўрин берилган. Журналнинг илк саҳифаси "Гул ўсса ерининг қўри, қиз ўсса элнинг" сарлавҳали мақола билан очилган. "Олтин водийдан шабадалар" мақоласида водий аёлларининг бугунги ҳаёти ва ижоди ҳақида самимий ҳикоя қилинади. Республика Онкология илмий маркази онкогинекология жарроҳлик бўлими илмий раҳбари Наргиза Йўлдошева билан суҳбат журналхон бекаларимиз учун фойдалидир. "Ўзбегим дўппилари"нинг рангли суратлари билан бирга берилган қизиқарли маълумотлар уй бекалари ва чеварларни бефарқ қолдирмайди. "Дунёдаги машҳур аёллар", "Ўқитувчи — руҳият муҳандиси", "Орамиздаги одамлар", "Спортимиз маликалари", "Туйларимиз ҳақида ўйларимиз" каби руҳлар остида берилган мақола, хабар ва маслаҳатлар ҳам ўқувчиларни жалб этади, деган умиддамыз.



ЗАМОНАВИЙ БАЙРАМЛАР РЕЖИССУРАСИ

"Ўзбекистон файласуфлари миллий жамоияти" нашриёти томонидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг "Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш кафедраси" катта ўқитувчиси Ваҳожон Рустамов муаллифлигида "Замонавий байрамлар режиссураси муаммолари" номли ўқув қўлланманинг чоп этилиши соҳа мутахассислари ва илосмандлари учун аниқ мудоа бўлди. Зеро, кейинги пайтларда Наврўз, Мустақиллик каби нуфузли байрамларимиз хилма-хил санъат турлари билан бойитилаётгани туфайли халқимиз қалбидан чуқур жой олмоқда. Ана шундай айёмларнинг, тадбирларнинг режиссураси, уни ташкиллаштириш билан боғлиқ

масалалар чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда. Байраму томошаларимиз анъаналар, урф-одатларимизга ўйгун ҳолатда ўтказилмоқда. Замона талабидан келиб чиқиб мавзу ва гоё ўйгунлигида ташкил этилган байрам томошалари юқори даражада ўтказилган тадбирлар ҳисобланади.

Китобда замонавий байрамлар режиссурасининг ўзига хос хусусиятлари, байрам ва томошаларни ташкил этиш ва сахналаштириш услублари, оммавий байрамларда сценарий ёзиш маҳорати, бадий безак, мусика, рақс, театрлаштириш, бадий фон ва фон

Китобдан яхши дўст бўлас



нинг кенг қўламли фаолияти ҳам ёритилган.

Нашрнинг масъул муҳаррири филология фанлари номзоди, профессор Н.Қосимов.

Х.НАРЗИЕВА

Элмира Ҳасанова сценарийси, Нозим Тўлаҳўжаев режиссёрлигида экран юзини кўрган "Зарб" бадий филми кўпчилик томошабинларда қизиқиш уйғотгани бежиз эмас.

Режиссёрнинг аввалги "Мактуб" ва "Висол" романтик мелодрамаларидан фарқли ўларок, "Зарб" психологик драма жанрида яратилган. Ўзбек кино усталарининг "Юлдузингни бер, осмон", "Олов қаъридаги фаришта" каби машҳур филмлар руҳида суратга олинган янги картинада санъаткор шахсидаги зиддиятлар, ижод оламининг ўзига хос машаққатлари ёритилади.

Картинада бутун умрини санъатга бахшида этган созанда, доира устаси Шарифнинг (актёр Бахтиёр Қосимов) мураккаб ҳаёти, унинг айрича дунёси, изтироблари ҳақида ҳикоя қилинади. Режиссёр бош қаҳрамонни ижобий ёки салбий қиёфага ажратмайди, балки уни бор нуқсонлари-ю ютуқлари билан ҳақоний кўрсатишга интилади. Шарифни фақатгина забонсиз доираси тушунади. Атрофидигилар, айниқса, аёли Розия (актриса Райхон Уласенова) билан ўрталарида кўринмас жарлик бор.

Сабаби, бир вақтлар машҳур раққоса бўлишни орзу қилиб, кейинчалик Шарифнинг соясида ўртамеёна "уйинчи" бўлишни истамган Розия санъатни ташлаб, тижоратга қўл уради. Қисқа вақт ичида "бизнес-хонимга"га айланган Розия обрў-эътиборини йўқотишини рўқач қилиб, турмуш ўртоғининг тўйларга боришига қарши чиқади. Бироқ Шариф бошқаларга ўхшаб, санъатнинг орқасидан келадиган даромадни ўйламайди. Чунки доира — ҳаётининг мазмуни; уни чалмася яшай олмайдиган. Тўйдан йиққан пулларини эса маҳалладоши, тақдирнинг иши билан руҳий хасталикка чалинган Аҳмад-телефонга (актёр Суръат Исломов) беради.

"Зарб" филмидан турли қаҳрамонлар тақдири билан боғлиқ қизиқарли сюжетлар ўрин олган. Уларнинг ҳаммаси Шариф характери оша қаратилгани билан эътиборлидир.

ҲАЁТ ВА ЮРАК ЗАРБЛАРИ



Бинобарин, асарда эпизодик роллар деярли учрамайди. Масалан, актриса Азиза Бегматова ижросидаги ўз жиянини излаб шахарга келиб қолган аёл саргузаштлари алоҳида бир воқеа. Филмнинг илк лавҳаларида ушбу қаҳрамоннинг пайдо бўлиши тасодиф эмас. Кўпни кўрган аёл ва йўл... Бунда рамзий боғлиқлик мавжуд бўлиб, ушбу қаҳрамон сиймосида меҳр-оқибат, асрларга тенг анъаналаримиз акс этади.

Филмда Салим ака (Миртоҳир Миралиев), Каримбой (Шухрат Нуралиев)

Муносабат

ев) каби персонажлар беғам, лоқайд инсонлар сифатида кўрсатилади. Улар қўшни уйнинг гишти рангини билишадиган, лекин бу уйда ким туришидан хабардор эмас. Кун бўйи нарда ўйинидан орттирмайди. Бош қаҳрамон бундай одамлар ичида ўзини аянада ёлғиз ҳис этади.

Суръат Исломов талқинидаги Аҳмад-телефон персонажнинг ўтмиши ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди. Маст алфозда уйига келган Аҳмад хотини ва қизини кўчага қувиб солади. Йўлда улар автохалокатга учраб, ҳалок бўлишади. Шундан буюн у бўйнига телефон осиб олганча, хотини ва қизини излайди.

Маданият уйининг раҳбари собиқ созанда, танбур устаси Аҳмад (Фарҳод Абдуллаев) Шарифга қарама-қарши образ. Бир пайтлар моҳир созанда бўлган Аҳмад санъатни тижоратга айлантиришга тайёр манфаат-

параст шахс. Лекин томошабин уни бутунлай салбий қаҳрамон сифатида қабул қилмайди. Аҳмаднинг "Тушимда танбуримнинг торлари йўқолиб қолаверади..." деган сўзлари қаҳрамоннинг ички зиддиятларидан дарак беради.

Марям (актриса Юлдуз Ражабова) ва унинг ўғли Илҳом (Муҳаммад Али Иброҳимов) персонажларининг тақдири ҳам филмнинг таъсирчанлигини оширган. Ўн олти ёшидан турмушнинг аччиқ муштларини бўйнига олган Марямнинг қисмати томошабинни ўйга толдиради. Унинг бирдан-бир умиди ўғли Илҳомдан. Илҳом доира чалишга иштиёқманд бўлиб, машаққатли сирларини Шарифдан ўргана бошлади. Аввалига унинг ногирон қўл бармоқлари доира чалишга қийналиди. Бармоқлари тузалишини истаган Илҳом уларни болға билан уради. Шариф ҳам ўз қўлларини болға билан синдиришга бўлади-ю, аммо бунга журъди етмайди. Илҳом Шарифнинг ушалмаган орзу-умидлари ва келажиги тўқилишида... Филм якунида Шариф "Доим қалбингга, юрагингга қўлоқ тут!" У сенга нима қилишингни айтиб туради. Ушанда осмонлардаги қўшлар елканга келиб қўнишади", дея ўз доирасини аста юмалатиб Илҳомга армуғон этади-ю, дунёдан кўз юмади...

"Зарб"... Филм учун танланган бундан аслида чуқур мазмунга эга. У доиранинг зарби билан бирга Шариф дуч келган ҳаёт синовларини ҳам англайди. Шариф ҳаёт зарбларига ўз доираси билан гоҳ аламли, гоҳ шодон тарзда жавоб қайтаради. Бунда, албатта, доира ортида уриб турган юрак муҳим. Зеро, доира зарби юрак уришининг акс-садоқидир. Режиссёр бу орқали санъаткор қалбининг но-зик кечинмаларини ифодалайди. Ташқаридан қараганда, ҳавас қиларли бўлиб кўринган санъаткорнинг ҳаётида ҳам паст-баландликлар учраши, ҳақиқий ижод оддий турмуш икки-чирларидан баланд туриши филмнинг асосий гоёсини ташкил этади.

Лобар ҚОБИЛОВА

ЎЙИЛМАДА БИР ОЙ БОР

У бугун ҳам хар доимгидек барвақт уйғониб, тикаётган сўзанасининг тайёр қисмини кўздан кечираркан, ёнига дугоналари келиб ҳаракатларини кузатишаётганини ҳам пайқамасди. Етти турдаги камалар рангларни матода, айниқса, ўзгача кўринади.

Дугоналар тезда ишга киришиб кетишди. Чаққон ва эпчил ҳаракатланаётган тикувчи қизларнинг нозик бармоқлари бўлғуси сўзанага гўё эртани кун орзу ва ўйла-

Хунар — зар

рини ҳам қўшиб тикаётгандек эди. Жиззах тумани «Хамзаобод» фуқаролар йиғинига қарашли Ёйилма маҳалласи хотин-қизларнинг кўпчилиги чевар тикувчилар ҳисобланади. Рўзгор юмушларидан бўшган вақтларида гилам тўқиш, мунчоқли тақинчоқлар, зардўзлик, тикувчилик ва каштачилик билан машғул бўлишади. Улар тиккан буюмлардаги кўзни қамаштирувчи иппаклар жилоси ва рангларнинг уйғунлиги кишини мафтун этади.

Болалардан тикиш-бичиш билан машғул бўлган Тиникойнинг мурғак қалбига ушбу касбга қизиқиш тобора ортиб борди. Айниқса, каштачиликка иштиёқи баланд бўлгани учун бу хунарнинг сирларини Бувойша онасидан қўнт билан ўрганди. Чевар тикувчи момо томонидан жило бериб тикилган кашталардаги қуёш, зангори осмон, етти турдаги камалар ранглари ва нақшлар ўзгача кўринади. Онахон от эгар-абзалларига безак бериб ҳашамлашнинг ҳам устаси эди. Шунингдек, нўхта, юган ва узангиларнинг тўғизқўзумноқ ва қумушдан ясалган балиқбоши, илонбоши каби тақинчоқлар билан безалишига ҳам катта аҳамият беради.

Кунларнинг бирисида қизалоқ момосининг сандигидаги тугалланмай қолган сўзана ва бир қанча қадимий нақшларни кўриб, йўқотган нарсасини топиб олганди ҳаяжонга тушди. Момо рўзгор ташвишларидан ортиб сўзанани охирига етказа олмаганди. У набирасининг каштачиликка иштиёқи баландлигини пайқаб, буюмдаги кашталарга мос иппар топишда қўмаклашди. Ҳадемай сўзана тайёр бўлди. Бежирим буюм оила аъзоларининг ҳавасини келтирди. Бора-бора Тиникой қўли гул хунармандлардан бирига айланди.

«Сангзор либослари» кичик оилавий корхонасини



кенгайтириш, турли тикув машиналари ва дастгоҳлар ҳамда хомашё келтириш осон бўлмади. Шунда ўғиллари Шерзоджон ва Бехзоджонлар сергайрат хунарманднинг огирини енгил қилди. Қисқаси, кичик корхона сахни сўзана, дарпарда, келин-куёв либосларида тикувчилик хунармандлик буюмлари билан бўлиб, шоғирдлари ҳам чевар тикувчилар ҳисобига кўпайиб борди. Оилавий кичик корхона биргина шу йилнинг дастлабки уч ойида қабул қилган буюртмалар асосида ўн икки миллион сўмлик иш бажарди. Ўтган йилда ўттиз беш миллион сўмдан ортқ даромад қилинди.

Бундан икки йил муқаддам очикқўнгил ва сергайрат хунарманд Тиникой Қўшмуродова устоз-шоғирд анъанасини давом эттириб, қишлоқ жойлардаги оилалар ўртасида тикувчилик, каштачилик ва тикувчилик курслари очди. Ёшлар учун иш ўринларини кўпайтириш ва касб-хунар ўргатиш ташаббуси билан қилди. Эндilikда тўнғич қизи Зулфия Эркабоева хонадониди гиламчилик, синглиси Гулрух Умματος хонадониди тикувчилик, ўртанча қизи Зебуниссо Қўшмуродова хонадониди каштачилик курслари ташкил қилиниб, уларга юзлаб ёшлар жалб этилди.

Мана олти йилдирки, Жиззах туманининг Ёйилма маҳалласи оилаларининг қиз-жувонлари опага шоғирд тушиб нафис, бежирим, бир-бирини тақрорламайдиган кашталар тикиб, гилам, турли килим-кечаклар, келин-куёвларнинг либосларини тайёрлашмоқда. Ҳозир хунарманд-устанинг шоғирдлари уч юз нафардан зиёд. Улар Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида, Жиззах, Зомин ва Янгибод туманларида хунармандчилик бўйича мустақил фаолият юритишмоқда.

Моҳир хунарманд уста Т.Қўшмуродова ўз маҳсулотлари билан вилоят миқёсида ўтказилган кўрик-танлов ва фестивалларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келяпти. «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг вилоят босқичида у «Энг яхши хунарманд» дея эътироф этилди.

Абдулла САИДОВ

Жиззах вилояти.

ФАХРУ ҒУРУР АНЖУМАНИ

Шу йилнинг апрел-июн ойлари давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шiori остида ёшлар фестиваллари ўтказилди. 1.170.000 дан ортиқ ёшлар иштирок этган маъмур кенг қамровли тадбирлар ҳақида "Қамолот" ЁИХ Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мамлакатимиз ёшларида катта таассурот қолдирган ушбу фестивал Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқ ташкил қилинди. Мақсад — ёшларни мамлакатимизда юз бераётган иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш ҳамда иқтисодий фаолликни ошириш, ёшларни "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан асраш ва миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашдан иборат. Шунингдек, юртимизнинг турли ҳудудларида яшаётган ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, истеъдодли ёш ишқорлар, иқтисодий фаол ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳам доимий диққат марказида бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманидан тортиб Андижон вилоятининг Қорасув шаҳригача, умуман, республикамизнинг бирорта тумани четда қолмаган ушбу фестивал доирасида иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш йўналишларида 14 лойиҳа бўйича жами мингга яқин тадбирлар ташкил этилди.

Ҳар бир лойиҳани амалга татиқ этишда таниқли шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари, ёш олимлар, эстрада хонандалари ва спортчилар иштирок этди. Айни вақтда пойтахтда яшаб, ижод қилаётган ишқорлар ҳам мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб хайратда қолдилар, қолаверса, жойлардаги ёш истеъдодлар ижоди билан яқиндан танишдилар, ўз маслаҳатларини бердилар, маҳорат сабоқлари ўтказдилар, ижод сирлари би-

лан ўртоқлашдилар. Албатта, бу кизгин суҳбатлар, мушоиралар пойтахтдан олисда ижод қилаётган ёшларимиз учун катта имкониятлар берди. Фаол ёшларга ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти

Истиқлол фарзандлари

вакиллари китоблари совға қилинди. Шунингдек, фестивалнинг "Қамолот кутубхонаси" лойиҳаси доирасида ҳаракатнинг энг намунали маҳаллий Кенгашлари қосида ёшларнинг тақдирлари асосида жамланган китоблардан иборат 20га яқин кичик кутубхоналар иш бошлади.

Тадбирлар доирасида таниқли эстрада хонандалари ва актёрлар ҳамда ҳаракат фаоллари иштирок қилди. 20га яқин кичик кутубхоналар иш бошлади. Фестиваллар давомида "Қамолот тарғибот ойлари" тадбирларида фаол иштирок этган 3 мингдан ортиқ ёшлар "Конституция билимдони", "Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси", "Энг яхши маънавий тарғиботчиси", "Энг намунали

илм-фан тарғиботчиси", "Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси", "Энг ёш тарғиботчи", "Ёшлар билан ишлашда энг фаол туман (шаҳар) ҳокими", "Энг намунали етакчи" каби йўналишлар бўйича тақдирландилар.

Маъмур фестивални намунали ташкил этишда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси яқиндан ёрдам кўрсатганини таъкидлаш жоиз. Шуниси муҳимки, маъмур фестивал кенг қамровлилиги, мазмундорлиги, айни вақтда қизгин ўтганлиги билан ёшларимизни бир мақсад йўлида бирлаштириб, буюк юртга муносиб фарзанд бўлишга, Ватан тараққиёти йўлида хизмат қилишга даъват этгани шубҳасиз.

Х. АКБАРОВ ёзиб олди.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

Дунё изтиробини кўйлаган шоир

Инглиз романтизм адабиётининг забардаст вакили Жорж Гардон Ноэль Байрон (1788-1824) аристократ оиласида туғилган. Ёшлик йиллари Шотландияда ўтган бўлажак шоир Кембриж университетини тугатиб, Ўрта Ер денгизи бўйлаб сафар қилган. Сафар таассуротлари унинг «Чайльд Гаролднинг зиярати» асири ёзилишига туртки бўлади.

Байрон 1815 йили Анна Изабелла Милбенк исмли аристократ қизга уйлانган. Ундан қизи Ада туғилган. 1824 йили лорд Байрон Грециянинг Миссолунги шаҳрида 36 ёшида вафот этди. Миннатдор юнонлар шоир жасадини Англияга олиб боришиб, аждодлари даҳмасига дафн этишди. Рафиқаси Анна Изабелла қолган ҳаётини ёлғизликда ўтказди ва ўзини хайр-саховат ишларига бағишлайди. Қизи Ада математик бўлиб етишган, ҳисоблаш техникасини яратган дастлабки муаллифлардан ҳисобланади, айни чоғда у компютерда дастурлашнинг асосий тамойилларини ишлаб чиққан биринчи дастурчи ҳамдир.

Адабиётшунослар Байроннинг жўшқин халқона нутқлари, «Шарқ достонлари»га кирган «Гяур», «Абидос келинчаги», «Корсар», «Лара», «Коринф қамали» ҳамда «Паризина» романтик поэмаларини алоҳида тилга олишди. Бу поэмалар автобиографик характерга эга. Шоирнинг лирик шеърлари ҳам машҳур. «Яхшудий оҳанглари»да таънуқлик, ҳаётдан нолиш кайфиятлари акс этса, 1817-1821 йиллари ёзилган «Манфред», «Осмон ва Ер», «Каин» сингари романтик драмалар туркуми ажойиб фалсафий мулоҳазаларга бойлиги билан ажралиб туради. «Дон Жуан» романида эса ўз даврининг долзарб воқеалари қаламга олинган. Жорж Байрон асарларида зулғам қарши мурасасиз курашчи сифатида майдонга чиққани учун ҳам «Дунё изтиробини кўйлаган шоир» сифатида эътироф этилади.

Генрих Гейненинг илтижоси

Буюк немис шоири Христиан Иоганн Генрих Гейне (1797-1856) "романтизм даври"нинг энг сўнги ва машҳур намоёнаси. У оддий сўзлашув тилини лирикага мос даражага кўтарган, фелетон ва савҳатномаларни бадий шаклга солган, немис тилининг гўзаллиги ва жозибасини намоён эта олган моҳир ишқордир. Машҳур композиторлар шоир шеърларига қўшиқлар ёзишган.

Гейне Дюссельдорф шаҳрида савдогар оиласида дунёга келган. Онаси Бетти Пейра ўғли яхши маълумот олиши учун жон қуйдиранди. Бироқ Франкфурт-Майн, Гамбургда ўқитиб, сулола савдо-молиявий аъналарини давом эттиришга уришлари самара бермади. У ҳисоб-китобдан кўра лирика билан шуғулланишга кўпроқ қизиқди. Гамбургда ўтган даврида тоғаси Соломоннинг қизи Амалияни севиб қолади. Бироқ бу жавобсиз муҳаббат изтироблари шоирнинг аксарият шеърлари, "Қўшиқлар китоби"га кирган асарларида ўз аксини топади.

Гейне Бонн университети юридик бўлимига ўқишга кирса-да, биринчи сабақдан оқ немис тили ва шеърияти тарихи бўлимига қатнай бошлади ва орадан кўп ўтмай Геттинген университетида ўтиб кетди. 1821-1823 йилларда Гегель маърузаларига қизиқиб, у сабоқ бераётган Берлин университетида ўқийди. 1825 йили ҳуқуқшунослик бўйича докторлик диссертацияси ёқлайди. Ана шу йилларда адабий доиралар билан яқин мулоқотга киришди, Англия ва Италия сафарига чиқади. Шоирнинг "Қўшиқлар китоби" дастлаб Германия, сўнг бутун дунёда унга катта шухрат келтириб, ҳаётлик даврида 13 марта нашр қилинган, кейинчалик сонетлар, балладалар, романслар ҳам қўшилган. 1826-1831 йилларда ёзилган «Йўл манзаралари» бадий очерклар туркумида шоир ўз "мен"ини биринчи ўринга чиқариб, жўшқин кузатувчи, воқеликни таққид қилувчи шахс сифатида намоён бўлади. Шу йилларда унинг публицистик фаолияти ҳам қизгин тус олади. «Германия. Қиш эртаги» поэмаси ва кўплаб афоризмлари ёзилади.

Гейне 1830 йили Парижга бориб яшагана мажбур бўлади. Фақат ўн уч йилдан сўнг ватанига қайтади. Бироқ ҳасталик уни тўшака михлаб қўяди. Саккиз йил давомида, юмор туйғусини йўқотмасдан, ҳасталик билан курашда, ижод қилишдан тўхтамайди. 1851 йили "Романцери" деб номланган сўнги тўплами нашр қилинади.

1856 йили Парижда ҳаётдан кўз юмган Гейненинг Монмартр қабристонидagi макбарасига қуйидаги сўзлари ёзиб қўйилган: "Очиғи, қачонлардир қабримни дафна гулчамбарлари безашига арзиймани-йўқми — буни билмайман. Шеърят, мен уни қанчалар севмайин, ҳамиша қўкка (парвардигорга) интилган орзу-хавасим йўлида фақат муқаддас эрмак ёки табаррук бир восита бўлди. Мен шоирлик шухратига ҳеч қачон катта аҳамият бермадим. Қўшиқларим учун олқишлашадими ё қойишадими — бу мени у қадар безовта қилмайди. Бироқ сиз қабримга, албатта, шамшир қўймоғингиз керак, негаки мен инсоният озодлиги учун курашда жасур аскар бўлганман!"

"Ўзбекино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси кинорежиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Шавкат ЖУНАЙДУЛЛАЕВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукр тазия изҳор этади.

АКС-САДО БИЛАН БАҲСЛАШМА...

Қалам соядаги сўзларни ёруғликка олиб чиқади.

Куриган фавворалар — обиҳаётнинг қабр тошларидир.

Дарёлар ўз номини билмайдилар.

Камалак — чўмилиб чиққан табиат сочили боғлайдиган шойи тасма.

For — тоғларнинг эснаши.

Тошлар кутишни биладилар.

Осмон шундай тусдаки, гўё юзлаб мусаввир мўйқаламини артиб олгандек.

Фикр дурдоналари

Жирафа — қизикқонлик қилиб қиёфасини ўзгартирган от.

Кўхна ойналар захарли — улар марҳумлар нигоҳи билан тўйинган.

Денгизлар ер юзини сув билан чайгани-чайган — гўё уни хушга келтириб бўладигандек.

Аёллар оёғи пойфалз дўкониди ўзини бахтли ҳис этади.

Ўйлаш осон. Ёзиш қийин.

Аёллар, барча эркаклар бир хил, деб ўйлайдилар ва уларнинг кучи ҳам шунда; эркакларнинг эса, аёллар ҳар хил эканига ишончлари қомил — бу ишонч уларни нобуд қилади.

Момо Ҳавонинг Одам Атога икромини эшитгандан бошлаб олманинг ёноғи қизара бошлаган.

Қиз учрашувга қанча кеч чиқса, шунчалик табассумли.

Қўшимизнинг токка уланган чангютари бизнинг барча фикрларимизни сўриб олади.

Китоб — ёлғизлик уммониди чўкиб кетаётган одам учун қутқарув белбоғи.

Соқол қўйдинг ва сочинг тўқилди — материянинг сақланиш қонуни бу.

Оғзига эмизгич солинган гўдак трубкада тамаки бурқситаётган одамга катта аксидек қарайди.

Фиръавнлар эҳромлар ёрдамида ўзларини тарғиб этишди.

Акс-садо билан баҳслашма: барибир сўнги сўзни у айтади!

Рамон Гомес де ла СЕРНА,
испан адиби

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

2014 йил, май ойи сони

Журналнинг ушбу сониди Англия адабиётига кенг ўрин берилган. Дарҳақиқат, бу мамлакат жаҳонга машҳур кўплаб мумтоз шоир, носсир ва драматурглар ватани. Англия шеърятидан берилган намуналарда инглиз халқ балладаларини ўқийсиз, атоқли шоирлар Жон Китс, Дилан Томас (рус тилидан М.Омон таржималари), Уолтер Рели, Альфред Теннисон, Роберт Льюи Стивенсон, Перси Биши Шелли (инглиз тилидан Қ.Юсупова таржималари) шеърларидан баҳраманд бўласиз. Жейн Остиннинг "Андиша ва ғурур" романи (М.Исмомиллова таржимаси), Грем Гринингнинг "Ғоратгар мактублар" ҳикояси (Д.Алиева таржимаси), жаҳон драматургияси намуналаридан бири Сэмюэл Беккетнинг "Годани кутиш" пиесаси ҳамда машҳур актёр Жон Гилгуд, таниқли ёзувчи Жон Роберт Фаулз ижодида, фаолиятига бағишланган мақолалар

ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Адабиётимизнинг атоқли намоёндаларини ёдга олиб, устоз адибларнинг хотира тадбирларини ўтказишдек хайрли ишлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг доимий эътиборида.

Адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган, шеърятимизнинг забардаст вакиллари — атоқли шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним асарлари халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Қуни кеча бир гуруҳ ишқорлар уларнинг хотира кечасига жам бўлишди. Тадбир пойтахтдаги Чингизий қабристонидан уларнинг қабрига гуллар қўйиш билан бошланди. Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али тадбирни очиб, Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним ижодининг ўзбек адабиётида беқиёс ўрни борлигини, устоз шоирлар қўйлаган бахт ва шодлик айнан бугунги ҳаётимизда ўз тасдиғини топаётганини таъкидлади. Адабиётшунос олимлар Наим Каримов ва Хулкар Олимжон, шунингдек, бошқа ишқорлар устоз адиблар ижоди ва фаолияти ҳақида гапирдилар.

Ахборот хизмати.

УСТОЗЛАР ЁДИ

Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон халқ артисти, марҳум санъаткор Нуриддин Ҳайдаровнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Юксак маҳорати, соҳир овози билан миллий санъатимизда ёрқин из қолдирган хонанда ижод йўлини ёд этишга доир тадбирда кўплаб мусиқа ихлосмандлари иштирок этди.

Кечада Н.Ҳайдаровнинг ҳамкасблари, шоғирд ва дўстлари ҳам қатнашиб, санъаткорнинг машҳур қўшиқлари ихро этилди.

Журналларни варақлаганда

Ўқувчида инглиз адабиёти, санъати ҳақида кенг тасаввур беради. Иккита йирик асар — Ф.Клиггернинг "Фауст ҳаёти, аъмоли ва жаҳаннамга қулаши" романининг

ҳамда Л.Табукашвилининг "Хаёлот дардида" пиесасининг давомини ҳам журналнинг ушбу сониди ўқийсиз. "Жаҳонга бўйлашиб" руқни остида ёзувчи Абдуқайом Йўлдошевнинг "Парим бўлса..." номли ҳикояси босилган. Устоз таржимонлар биситидан берилган намуналар сирасидан бу гал моҳир мутаржим Мирзёд Мирзоев она тилимизга ўғирган И.Тургеневнинг "Ғолиб севги қўшиғи" асарини мутлоа қиласиз.

Адабиётшунослик ва фалсафа мавзуларидаги тадиқот ҳамда мақолалар орасида америкалик таниқли олим Фредерик Старнинг

"Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши" мақоласи кўпчилигининг эътиборига тушиши тайин. Муаллиф жумладан: "800-1100 йиллар орасида марказий Осиёлик



олим, санъатшунос ва мутафаккирлар плеядаси минтақани дунёнинг интеллектуал марказига айлантирилди. Уларнинг таъсир доираси Шарқий Осиё ва Ҳиндистондан Европа ва Яқин Шарққа таралган эди", деб ёзади.

Шунингдек, журналнинг ушбу сониди адабиётшунос ва санъатшунос олимлардан Н.Махмудов ва М.Жураевнинг "Асарлар оша таралаётган зий", М.Холбеков, М.Тўлаҳўжаева, М.Умарованинг Уильям Шекспир ижодий мероси тадиқотига бағишланган мақолалари, И.Ҳақул билан ушбу мавзудаги суҳбат босилган.

Китобдан яхши дўст бўлмас "ТУПРОК ИСИ"

Шеърят кўнглидаги энг инча туйғуларнинг сатрлардаги акси. Сўз сеҳри ва жозибасидан тузилган, некин дарафлар ҳамроҳлигида уйғонган ҳаяжоннинг қозғалдиғи фодасидир. Бундай шеърларни ўқиганингизда уларни беҳиётёр қалбдан ҳис этасиз ва уни қандай ёд олганингизни билмай қоласиз. Самарқандлик истеъдодли шоира Жумагул Сувонованинг таниқли шоир Усмон Қўчқоров муҳаррирлик қилган "Тупрок иси" номли тўпламидан жой олган шеърлар айнан шу туркумга кирувчи соҳир туйғулар ва оҳанрабо сатрлар жамланмасидир. "Адиб" нашриёти томонидан чоп этилган ушбу тўпланда Ватан, табиат, инсон руҳияти каби мавзулар ўрин олган. Айниқса, аёл дунёси, унинг дарди ва қувончи, орзулар, армонлари ҳамда ички кечинмаларини қўйлаш асосий аҳамият касб этади, эзгулик ва инсоний туйғулар тараннуми ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Ҳаёт, деб яшаган, Ҳаёт, деб ўсган, Ҳайрат осмониди юлдуз бўлади. Тупроққа чуқурроқ ботиб, дарактга Ҳаёт бағишловчи илдиз бўлади. Сатрлар силсиласида акс этган самимият, ҳаётга муҳаббат ва ишонч туйғуларни маъмур тўпланининг мароқ билан ўқилишини таъминлаган. "Оловли фасл", "Умр қарвони" сингари шеърӣ тўпламлари билан қалам аҳлига яхши таниш бўлган муаллифнинг янги тўплами адабиёт ихлосмандларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Ирода МУҲИДДИНОВА,
талаба

Тахририятга келган кўлэмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулсера УМАРОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топириши вақти — 20.00. Босишга топирилиши — 21.38

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4876 Буюртма Г — 758. Ҳажми — 3 босма табақ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД



ЖУМА ҚУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРИН.

ISSN 2181-614X

9 772181 614000